



# САОДАТ

10  
2020

1925 йилдан чиқа бошлаган



*Лобар  
Қосимова*



# Ўткир Ҳошимов



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов 1941 йил 5 августда Тошкент шаҳрида тугилган. Адибнинг “Чўл ҳавоси”, “Одамлар нима деркин”, “Шамол эсаверади”, “Қалбингга кулоқ сол”, “Баҳор қайтмайди” “Дунёнинг ишлари” қиссалари ҳамда “Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” каби ўнлаб асарлари халқимиз дилидан жой олган. “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китоби ижтимоий-маънавий ҳаётда муайян из қолдирган. “Меҳнат шуҳрати”, “Буюк хизматлари учун” орденлари билан мукофотланган. 2013 йил 24 май кунини вафот этган.







## Ўткир ҲОШИМОВ

### ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАРДАН

#### Устоз

Устоз отангдан улуғ, деганлари бежиз эмас,  
Ота ҳаёт беради. Устоз эса яшашга ўргатади. Туғи-  
лиш осон, яшаш қийин...

#### Чархпалак

Мактабимиз биқинида ариқ оқарди. Ариқда  
чархпалак бор эди. Катта танаффусда чархпалак-  
ни томоша қилишни яхши кўрардим... ёғоч гар-  
диши кўҳна, темир пақирчалари занглаб кетган.  
Паррақларига кўкимтир сув ўтлари ёпишган... би-  
ров ёлғондан туртиб юборса, ростдан қулаб кета-  
дигандек... чархпалак нолали ғийқиллаб айланади.  
Кафтида сув кўтариб, юқорига олиб чиқади... тепа-  
га чиқиб олган сув ортига қайтмайди... чархпалак  
ҳам бунга ранжимайди. Янгидан-янги сув томчи-  
ларини юқорига кўтариб бераверади... ғийқиллай-  
ди...

Орадан кўп йиллар ўтиб, ўша чархпалак туш-  
ларимга кирадиган бўлди. Нега шундай бўлганини  
узоқ ўйладим...

Сўнг... бир ҳақиқатни англадим. Мен чархпа-  
лакни эмас, устозларимни кўмсар эканман.

Сув – сув эмас, мен эканман! Чархпалак –  
чархпалак эмас, ўқитувчиларим экан!

Мени – бир томчи сувни катта ҳаёт йўлига  
олиб чиқиб қўйган устозларим – чархпалак заҳма-  
тини оқлай олдиммикан?... Билмадим.

...Кўҳна чархпалак ҳамон тушларимга киреди...





# “МЕХР-3” ОПЕРАЦИЯСИ

## доирасида Суриядан

### 98 нафар юртдошимиз –

## аёллар ва болалар олиб келинди

Сўнгги 4 йил мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат самараси ўлароқ, нафақат юртимизда истиқомат қилаётган, балки ўзга юртларда мураккаб аҳволга тушиб қолган Ўзбекистон фуқароларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг манфаати, шаъни, қадр-қиммати ҳимоя қилинмоқда.



Бундай ғамхўрликдан ёт ғоялар таъсирига тушиб хорижга чиқиб кетган, бегона мамлакатда турмуш ўртоғи ёки ота-онасидан айрилиб қолган ватандошларимиз ҳам четда қолгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига кўра, “Мехр” инсонпарварлик операцияси доирасида 2019 йил Сурия ва Ироқ давлатларидан жами 220 нафар юртдошимиз – аёллар ва болалар олиб келинган эди.

Ўтган давр мобайнида «қайноқ нуқталар»дан қайтарилган аёллар ва болалар давлат, жамоат ташкилотлари, меҳр-оқибатли фуқароларимиз ёрдамида жамиятимизда ўз ўрнини топиб кетишаётгани, айниқса қувонарли.

Умуман, Яқин Шарқдаги жанг кечаётган ҳудудлардаги лагерларда ушлаб турилган ҳамюртларимизни қайтариш бўйича тадбирлар махсус хизматлар томонидан доимий равишда олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита назорати остида амалга ошириб келинаётган “Мехр” операциясининг навбатдаги босқичи доирасида, Сурия мамлакатининг жанговар ҳаракатлар давом этаётган қисмидан жами 98 нафар юртдошимиз,



яъни 25 нафар аёл ва 73 нафар бола Ватанимизга қайтарилди. Болаларнинг 14 нафари чин етим эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳаётнинг нотекис йўлларида адашиб, ўзга элларда қийин аҳволга тушиб қолган бу инсонлар – юртдошларимиз йиллар давомида ижтимоий қафолатланмаган ҳолатда, наинки инсон ҳуқуқининг ўта оддий кўриниши бўлган ижтимоий ҳимоядан мосуво, балки ҳаёт кечириш учун энг оддий шароитлардан ҳам маҳрум яшашга мажбур бўлишди.

Ватан – инсон учун энг улуг, энг муқаддас мужда, – дейди юртдошларимизни пойтахт аэропортида кутиб олишда бевосита иштирок этган Тошкент шаҳри бош имоми Нуриддин Холиқназаров. – Шахсан Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган «Меҳр» операцияси узоқ элларда сарсон-саргардон юрган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийинчиликларни бошидан кечирган юртдошларимизни диёримизга қайтариб, уларга яна Ватан, деган обод манзилда хотиржам яшашдек улкан бахтни ҳадя этиш мақсадини кўзда тутуди. Бу амаллар беқиёс савобга йўғрилгандир.

Пайғамбаримиз с.а.в. мўмин бандаларини, мусулмонларни кечиримлиликка, бағрикенгликка чақирганлар. Айниқса, етимларнинг бошини силаган инсон жаннатда менга қўшни бўлади, деб марҳамат қилганлар. Учиб келганларнинг 14 нафари чин етим, уларнинг на отаси, на онаси бор. Есирларни юртга қайтариб, ўз фарзандидек бошини силаётган, бевалар, қийинчиликда қолиб



## Учиб келганларнинг 14 нафари чин етим, уларнинг на отаси, на онаси бор.



кетган хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатаётган Давлатимиз раҳбари, шу савоб ишларга ҳисса қўшаётган барча мутасаддилар, ҳар бир инсонга Оллоҳ таолондан ажр, мукофот сўраб қоламиз.

Меҳрга ташна бу инсонлар энди барча қулайликлар яратилган соғломлаштириш муассасасига жойлаштирилиб, иссиқ овқат, кийим-кечак ва бошқа барча зарур шароитлар билан таъминланади. Уларга мутахассислар томонидан тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилади. Болалар мактабгача таълим муассасаларига, умумтаълим мактабларига, хотин-қизлар эса ишга жойлаштирилади. Соғлом, тинч

ҳаётга қайтарилади, тўлақонли мослашуви учун зарур шарт-шароит яратилади. Шунингдек, уларнинг шахсини тасдиқловчи паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқа керакли ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича ҳам тегишли ишлар амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳозиргача фақат бугуни билан яшаб келган, ҳар кеч жони ҳадикда, яна тонг отишига ишониб-ишонмай уйкуга ётган 98 нафар инсон бугундан эътиборан эртанги кунга ишонч туйғуси билан, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаётда умр кечира бошлайди. Президентимиз ташаббуси, ҳукуватимиз, масъул вазирлик, идораларнинг саъй-ҳаракати билан улар қалбига эзгулик, меҳр, қўйингки, барча инсоний фазилатлар уруғи қадалди.

**ЎЗА** хабари



# Ҳалол меҳнат гашти бирлан...

*Фаргонанинг энг оромбахш гўшаларидан бири бўлмиш Ҳўқанди латифда тугилиб, шу ерда яшаб келган Манзурахон Мамадалиева ҳам таълим соҳасининг жонкуярларидан ҳисобланади. Меҳнатлари эвазига давлатимизнинг энг буюк мукофоти – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига муяссар бўлган бу аёл ҳақида сўзлашнинг ўзи киши қалбида завқу сурур уйғотади.*



Манзурахон Мамадалиева... Бу исми эшитганимда ёки қаердадир у ҳақида ўқиганимда рўмоли ўзига ярашган, соддадиллиги кўзларида балқиб турган аёлнинг ёруғ чехраси кўз олдимга келверади. Мен бу аёлда ботиний бир шиддат ва қатъият борлигини ҳис қиламан. Унинг исм-шарифи ёнига қўшиб айтиладиган “Ўзбекистон Қаҳрамони” сўзи эса мени ҳар сафар “саволга тутати”.

Қандай қилиб шу содагина мулойим аёл қаҳрамон бўлган? У қандай сифатлари билан бу унвонга лойиқ кўрилган?

Охири бу саволлар мени опа билан суҳбатга чорлади. Оддийгина икки аёлнинг суҳбати аста-секин жонланиб, мен Қўқоннинг бир оиласи тарихига сафар қилдим.

Ўзбекистон Қаҳрамони Манзурахон Мамадалиева 1947 йилнинг август ойида Қўқонда оддий ишчи оиласида таваллуд топди. У оиладаги 6 нафар фарзанднинг тўнғичи эди. Ота-онаси ҳам оддий ва камтар инсонлар бўлган. Отаси Абдуллажон ака механика заводининг ишчиси, онаси Саодатхон ая уй бекаси ёки, тўғрироғини айтганда, маҳалланинг қўли гул тикувчиси эди.

– Ростини айтсам, мен уларни ҳеч қачон оддий одамлар эди, дея олмайман, –

дейди ота-онаси ҳақида сўз кетганда Манзурахон опа. – Дадам заводдан бўш пайтларида ҳовлимиздаги мевали дарахтлар парвариши билан шуғулланардилар. Мевалар пишганда пақирларга солиб, қўшниларга улашардилар. “Бу меваларда қўшниларнинг ҳам ҳаққи бор”, – деган оддий ҳақиқатни дилимизга солган ҳам дадамиз бўлади. Бу сабоқ ҳозирга қадар менинг кўнглимда ва фарзандларимга ҳам уқтириб тураман. Аям эса...– опанинг кўзлари чакнайди, – бебаҳо аёл эдилар. Гарчи айрим сабаблар билан ўқий олмаган бўлсалар ҳам шу даражада доно ва билимли эдиларки, баъзан ҳайратланардим.

Ҳа, опанинг ўз ота-онаси билан бу қадар фахрланишида гап кўп. Дадаси унга кўни-қўшнилар, ён-атрофдаги инсонларга ҳурмат билан қарашни, очиққўллик ҳамда очиқдилликни ўргатди. Аясидан у жуда кўп нарсаларни олди. Қиз бола онанинг дилидан узилади, деган гап бор. Кўп вақтини аяси билан ўтказадиган Манзурахон онаси баъзан қўшнилар ва яқинларининг кийимларини бепул тикиб беришига гувоҳ бўларди. Шунингдек, бу аёл маҳаллада катта ҳурмат-эътиборга сазовор эди. Ундан маслаҳатлар сўрашар, қўли ширин ошпаз бўлгани боис қўшнилар ўз келинлари ва қизларини Саодатхон ая ёнига овқат пиширишни ўрганиш учун ҳам кирити-



шарди. Мана шундай ибратли муҳитда тарбия топган болалар ҳаётда қоқилмадилар. Манзура опанинг тўрт нафар укаларидан бири косиб, бири дурадгор, бири радио устаси, бири пазанда бўлиб эл юкини кўтардилар. Она уста ошпаз бўлгани сабаб, деярли ҳамма фарзандлари бу фазилатни мерос қилиб олди. Синглиси ҳам ҳаётда ўз бахтини топди.

Манзураҳон опа эса улардан бошқачароқ йўлдан кетди.

Гарчи у ҳам пазандалик, тикувчилик каби хунарларни пухта эгаллаган бўлса-да, оиланинг яна бир ўзига хос томони уни шу йўналиш – илм йўлига тортди. Аясининг айтиб берган турли ҳикоялари уни мафтун қиларди. Оилада мавжуд кутубхона уни кўпроқ банд қиларди. Баъзан китоб мутолаасига бошқа фарзандларидан кўра кўпроқ меҳр қўйган Манзураҳонга қараб туриб аяси ўз бобосини эсларди.

– Сен бобомга тортяпсан, – деб қолди аяси бир куни.

– Бобонгиз ҳақида гапириб беринг, – астойдил илтимос қилди Манзураҳон.

– Бобом ўз даврида Қўқоннинг энг катта уламиси бўлганлар. У киши шеърятни севадиган инсон эдилар. Ҳатто “Қилқалам” тахаллуси билан ғазаллар ҳам ёзганлар.

– Аяжон, бобомнинг ғазалларидан ўқиб беринг...

Қизининг эрқаланиб, ихлос билан қилган илтижосига рад жавоби беролмади она. Онаси ўқиб бераётган ғазалларни эшитиб ўтирган Манзураҳоннинг кўз ўнгида адабиёт дарсларида ўзлари ўрганаётган асарлар муаллифи Алишер Навоийнинг нурли сиймоси жонланди. Шу кундан бошлаб у хонадонда аяси авайлаб йиғиб, сақлаб бораётган бадиий адабиётларга боғланди-қолди.

– Адабиёт ва математика бир-бирига зид деганлар адашади. Мен адабиёт орқали математиканинг нозик томонларини ўр-

*– Адабиёт ва математика бир-бирига зид деганлар адашади. Мен адабиёт орқали математиканинг нозик томонларини ўргандим.*

гандим. Шунинг учун ҳам математика адабиёт сингари дилимга ўрнашди, – дейди опа.

Шаҳардаги 5-ўрта таълим мактабида таълим олаётган Манзураҳон ўқитувчи бўлмоқни, ўқитувчи бўлганда ҳам математика фани ўқитувчиси бўлмоқни танлаб бўлганди. Оилада уруш туфайли билим ололмайд қолган аясининг математикадан дарс тайёрлаш жараёнида берган ёрдамлари, математика фани ўқитувчилари Сораҳон Ҳожиматова ҳамда Марямхон

Еремееваларнинг шу фанга уйғотган қизиқишлари таъсирида 1966 йилда Қўқон педагогика институтининг математика бўлимига хужжат топширди. Бироз иккиланган Манзураҳонга устози Сораҳон опа далда берди. “Қийин ишда лаззат бор”, – деди у суҳбатларнинг бирида. Манзураҳон мактабда олган кучли билимлари туфайли олийгоҳ талабалари қаторидан жой олди. Талабалик йилларида кучли билими ва қатор илмий мақолалари билан устозлар меҳрини қозонди. Ўқишини тугатгач, олийгоҳда қолиб ишлашга ва ўз билимларини илмий ишларда ривожлантиришга таклиф қилишган бўлса ҳам, мактабга, болалар орасига талпиниб турган ёш муаллима бу таклифни қабул қилмади. Шаҳардаги 10-ўрта мактабга ўқитувчи бўлиб ишга жойлашди. Болаларга ва ўз фанига бўлган меҳр уни тинимсиз изланишга ундарди.

Муаллиманинг синфга кириб келишини ўқувчилар ҳаяжон билан кутиб олишар эди. Чунки унинг дарслари бошқача бўларди.







Биз қанақа чизикмиз,  
 Қаранг: жуда қизикмиз.  
 Иккаламиз иноқмиз,  
 Меҳнатсевар, қувноқмиз.  
 Текисликда турамиз,  
 Юрсақ, бирга юрамиз.  
 Аммо, билинг, икковлон  
 Уришмаймиз ҳеч қачон!

Шеърнинг руҳига кирган болаларнинг қўллари Манзура опа: “Бу нима?” – деб сўрамасидан баланд кўтариларди.

– Параллел чизиклар! – дея жўр бўлиб жавоб беришарди ўқувчилар. Муаллима уларни шу тарзда мураккаб ҳисобланган математика фани ичига олиб кириб кетарди. Шунинг учун турли синфларда ўргатиладиган “Пифагор теоремаси”, “Айлана”, “Учбурчак” каби мавзулар ўқувчилар тафаккурига осон сингар эди. Одатда, мактабда кўпроқ адабиёт фанидан кечалар ўтказиларди. Манзура Мамадалиева ташкил этган “Қизикарли математика” кечаси фақат мактабда эмас, ота-оналар орасида ҳам довруқ қозонди. Чунки ўзига мос костюмлар кийиб, шеърый тилда сўзлаб турган формула – ўқувчиларни жамоат энди кўраётган эдида. Бир сўз билан айтганда, муаллимага математикага жон бағишлаб юборган эди.

Изланувчан ўқитувчининг “Ал-Хоразмий жаҳоннинг буюк ма-

тематиги” деб номлаган кечаси уни Қўқонга эмас, Фаргона водийсига машхур қилди. Кечага ташриф буюрганларга мезбонлар қутича тутқазади. Иштирокчи қутичадаги тенгламани ечсагина ўзи ўтирадиган қатор ва ўринни топади:

Бобомиз Хоразмий руҳин этиб шод,  
 Дурдона сўзларин бир-бир этиб ёд,  
 Қатнашса, кечага, кимки, марҳамат,  
 Лекин тенгламани ечсин у, албат.  
 Илдиздан билинар, қатор ва ўрин,  
 Нотўғри ечганга тегмайди ўрин.

Ҳамма қўлидаги қутига қараб шошар, хотирасини силкитар, бир-биридан нималарнидир сўрарди. Шу каби ҳазилу чин усуллар билан кечадаги мезбон ва меҳмонлар буюк Ал-Хоразмийнинг математика фани ривожига қўшган ҳиссасини билиб олди.

Манзура Мамадалиева тинмай изланди. У “Математикани ўзлаштирган ўқувчи барча фанларни эгаллай олади”, деган фикрни исботлашга уринди. 1980 йилда Ўзбекистон телевидениясида унинг “Билмасвой математика кечасида” номли мусиқали кўрсатуви намойиш қилинди. Кейинчалик муаллима “Ал-Хоразмий алгоритм ва математика” номли сахна асарини яратди. Ўша йили республика математика фани олимпиадаси Қўқонда айнан Манзура Мамадалиева ишлаётган мактабда ўтказилди. Бу муаллиманинг маҳоратини кўрган академик Восит Қобулов унга алоҳида эҳтиром кўрсатди ва:

– Мен Сизнинг билимингизга таъзим қиламан, кизим, раҳмат! – деди. Юртимизда кибернетика фанининг ривожига алоҳида ўрин тутувчи бу инсоннинг эътирофи жуда баланд эътироф эди.

Опани жуда кўп марта нуфузли лавозимларда ишлаш учун таклиф қилишди. Аммо у рози бўлмади. Чунки унга мактаб, ўқувчилар куч, илҳом берарди.





... мен буни  
кутмаганман. Бизнинг  
ватанимизда оддий  
бўлса ҳам ҳалол  
ишласанг, қаҳрамон  
бўлар экансан

Муаллиманинг тинимсиз заҳматлари муносиб қадрланиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди.

– 1997 йилнинг августи, Мустақиллик байрами арафаси менга жуда катта қувонч олиб келди. Ўша кунги ҳиссиётларимни ҳали ҳануз ҳеч кимга тунтириб бера олмайман. Унутилмас дақиқалар ҳақида сўз кетиб қолса, кўзларимдан шодлик ёшлари оқаверади, – дейди опа овозидаги титроқ билан.

– Қаҳрамон бўлиш менинг назаримда, фавқуллодда бир ҳодиса. Ҳалигача мен бу шуҳратга кўника олмайман. Чунки қаерга борсам, ҳайрат билан қарашади, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишади. Тўғриси айтсам, оддийгина бир ўқитувчи учун бу... – унинг кўзларида ёш кўринади, – мен буни кутмаганман. Бизнинг ватанимизда оддий бўлса ҳам ҳалол ишласанг, қаҳрамон бўлар экансан.

Опа ҳақида ҳамон турли илмий анжуманларда гапиришади, Ҳатто олийгоҳда ҳам унинг талабалик даврида амалга оширган ташкилотчилик ишларидан унумли фойдаланишади. Унинг илмий ишлари ёритилган китоблар ҳам олийгоҳ кутубхонасида сақланиб келади. Республика бўйича барча мактаб кутубхоналарида мавжуд бўлган китоблари математика ўқитувчилари учун ажойиб қўлланма ҳисобланади.

Биз суҳбатни яқунлар эканмиз, бир нарса, тўғрироғи, рақамлар эътиборимни тортди. Опанинг ҳаётида август ўзига хос аҳамиятга эга экан. Опага бу ҳақда гапирганимда кўзлари яшнаб кетди:

– Ҳар нарсада бир ҳикмат бор, дейишади. Қаранг, туғилган ойим август.



Ўқишга қабул қилинган ойим – август. Баҳромжон акангиз билан ҳам август ойида турмуш қурганмиз. 2015 йил август ойида муқаддас ҳаж сафарига борганман. Ҳаёт менинг энг қувончли кунларимни август ойига тўплаган экан.

Шу оддийгина тасодифдан ҳам кўзлари яшнаб кетган бу аёлга қараб, ҳайратландим. Зеро, ўзи ҳайратларга тўлиб яшаган одам бошқаларнинг ҳам ҳайратига сазовор бўла олар экан-да.

Айни пайтда Манзураҳон опа ушбу йиллар давомида ўқиб, ўз ҳаётларини қурган фарзандлари – икки қиз, бир ўғил ва неваралари қуршовида тинч яшамокда. Қизлари ва ўғли опанинг китобхонлик анъаналарига содиқ қолди.

– Невараларимга ҳам китоб ўқишни тавсия қиламан. Ҳозир биласиз-ку, ёшлар интернет ва телефондан ўқийдилар. Мен уларга: “Совуқ темирга термулмай, китобнинг тафтидан баҳраманд бўл”, – дея таъкидлайман. – Бир армоним бор, – дейдилар опа гапини давом эттириб. – Турмуш ўртоғим ҳозирги кунларда ёнимда йўқ. 2018 йили вафот этдилар. Бўлганларида шу кунларим янада тўқис бўларди...

Ҳаёт шу экан-да, азиз инсонларнинг маржондан узилган доналардек бир-бир кетар экан. Қайнотаси Дадажон ака, қайнонаси Жаннатой ая... Уларнинг хизматини қилиб олган дуолари йўлларини мунаввар қилди. Энди ўзи уларни “Охиратлари обод бўлсин”, дея дуо қилади. Ҳали биз билмаган бундай оилалар, улардан етишиб чиқаётган қаҳрамонлар қанча экан. Мен шу ўринда қаҳрамонимнинг қаламларига мансуб бир шеърдан қисқа сатрлар келтириш билан фикрларимга яқун ясамоқчиман.

*Ҳалол меҳнат гашти бирлан топдим ҳаётда ўрин,  
Олий унвон насиб этди, меҳнат қудратин кўринг.*

**КАРИМАБЕГИМ**



# Гуллар сочиб кутган маскан

## Ёки ЎЗЭКСПО да 10 кун



**Қутлибека РАҲИМБОЕВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

– ЎзЭкспо” га олиб бориб кўрайлик-чи...  
– Бунча катта фоиз зарарланиш билан олишармикин?

“Тез ёрдам машина”сига ўрмалаб чиқяпман-у, анча вақтдан буён менга жой излашиб касалхоналарга қўнғироқ қилишаётган шифокорларнинг гап-сўзларини элас-элас англайман. “Демак, ЎЗЭКСПОга кетяпман”. Бу ном билан бирга вужудимда оғриқдан бошқа яна бир туйғу уйғонгандек бўлади. Ахир худди шу масканда муҳтарам Президентимиз 8 Март – Халқаро хотин-қизлар кунда байрам тантанасини ўтказиб берган эдилар. Ўшанда менинг олдимга телевидение учун интервью олгани келган журналистга:

– Шифтда минг турли жонли гуллар, столимизда бўйдор гулдасталар, тўрт тарафимиздан гуллар ифори гуркираяпти. Шундай чаманзор ичида ҳозир ҳар биримиз ўзимизни гулдай ҳис қиляпмиз, – деган эдим. Ва бу айтганларимда заррача муболаға йўқ эди. Ноз-неъматлари бекаму кўст дастурхонлар, эшиқдан кириб келишимиздан ҳар биримизга кўрсатилаётган иззат-икром, хонандаларнинг хонишлари, ҳаммасидан аввал Юртбошимизнинг она, аёл, опа-сингил ўрнида кўриб бизга йўллаган табриклари... Буларнинг ҳаммаси ўша пайтда ўзимизни ўзимизга чиройли кўрсатаётган эди. Жамиятда қадримиз борлигини ҳис қилиб, қаддимиз кўтарилган бетакрор онлар эди...

– Зарарланиш олтмиш фоиз экан. Бундай катта зарарланишни қабул қила олмаймиз, биласизлар-ку.

Кимнингдир (албатта, шифокор бўлса керак) кесиб-кесиб гапирган овозидан аҳволимни унуттираётган хотиралар сочилиб кетади. Демак, манзилга етиб келибмиз.

Боядан бери шифохоналардан жой излаётганда ўзини “Юсупов” дея таништираётган “Тез ёрдам” врачлари машинадан пастга тушган ва мени шунча катта фоиз ўпка зарарланиши билан қабул қилишни истамаёт-

ган қабул бўлими шифокорлари билан музокаралар олиб борарди. Яхши инсон экан, “касал бўлган битта сенми”, деб қайси жой индамай олса, ўша ерга ташлаб кетаверса бўлади-ку”, дея миннатдор бўлиб қўяман “Тез ёрдам” шифокоридан. Гап-сўз кўпайиб кетди, шекилли, кўринишидан ҳозиргача келиб-кетиб турган шифокорлардан лавозими юқориқандай кўринган нурли қиёфадаги инсонга юзма-юз бўлдим.

– Врачларимиз сизни хоҳламаганидан эмас ўпкангизда зарарланиш даражангиз катталигидан қабул қилишмаяпти. Агар нафас олишингизда муаммолар каттайиб кетса, бизда баъзи бир зарур аппаратлар етишмаслиги мумкин...

Қаерда эшитганман бу мулойим овозни? Салобатли ва айни дамда меҳрли...

– Шу ёшимгача ўпкамда бирон марта ҳам муаммо бўлмаган. Менинг бошқа оғир касалликларим ҳам йўқ. Хўжайинимни шифохонага ётқизамиз деб ўзим касалланганимни сезмай қолибман. Илтимос, мен шу ерда қолай, бирор муаммо туғилса ўз гарданимга оламан...

Чехраси, овози таниш туюлаётган шу шифокорга умид ипларим билан ёпишиб оламан.



- Улуғбек Абдуғафурович!
- Ўртоқ Расулов!

Рўпарамдаги шифокорни йўқлай бошлашади. Хотирам тиниқлашади, ахир бу киши Ўзбекистон Миллий университетининг фидойи домлаларидан бири, бир умр шу дорилфунунда ҳалол хизмат қилиб, қанча йигит-қизларнинг қалбини адабиётга муҳаббат билан зийнатлаган Абдуғафур Расуловнинг ўғиллари эмасмикин? Чехрасидан шундоққина домланинг чехраси, товушидан овози чиқиб турибди-ку.

- Сиз Расулов домланинг ўғилларисиз, - дейман яна бир умид риштаси пайдо бўлгандан суюниб. Шифокор кулимсираб бош силкийди. "Отамни кўрган кўз", деган қадим анъана туфайлими ё ўзи ишимни Оллоҳ ўнглади, бу ёғи тезлашиб кетди. Беш-ўн дақиқалар ичида ЎзЭКСПО марказининг жонлантириш бўлимига жойлаштиришди.

Атрофни кузатиш, у ундай экан, бу бундай экан, дейишга ҳолим бўлмаса-да, бир пайтлар гулзорга қиёслаганим - муҳташам маскан тақдир тақозоси билан узун йўлак ва пардалар билан тўсилган икки кишилиқ бўлмалардан иборат шифохонага айланганлигини сездим. Кимдир йўталар, кимдир инграр... Махсус химоя кийимидаги касалхона ходимлари бўлмалар орасида учиб юриб хизмат қилишаётгандай эди.. Қисқагина суриштирувдан сўнг дарров муолажани бошлаб юборишди. Томчи укол остида ётар эканман, ғаройиб бир ҳодисани ҳис этдим. Йўқ, ҳис этдим эмас, аниқ кўрдим. Бош томонимда олов ёнди, худди бир пайтлар ишлатганимиз қора чироқдан келадигандек ёқимсиз ёғ ҳиди анқиди. Димоғимни бекитай десам, ҳамшира қиз томиримга зўрға тушган, нинанинг томирдан чиқиб кетишидан ҳадиксираб, нохуш ҳидга чидаб ётдим. Олов анчагача ёниб турди, кейин писиллаб ўчди, тутун кўтарилди, димоғим ачишди. Бирпасдан кейин бу ҳолат яна такрорланди. Шу аснода

*...қани эди вақтни орқага қайтаришнинг иложи бўлса, ҳеч бўлмаса қирқ ёшда бўлиб қолсам яна мактабга қайтардим.*

миямга бир фикр урилди: "Сафарим охирлаганга ўхшайди. Бу олову тутунлар бежизга кўринмаётгандир. Ахир, не-не имкониятга эга инсонлар бу балои азим чангалидан қутула олмай омонатини топширишди. Уларнинг олдида мен ким бўлибман. Тинимсиз айниётган кўнглим, ҳолсизликка қўшилиб ичимда нимадир жаз-жаз ачишарди. Ахир ҳаётни ташлаб кетиш осон эканми? Йўқ, мен нола қилмаслигим, нолимаслигим керак.

Яна ўйлай бошладим. Ахир, кимдир кўрмагани мен кўрдим-ку, кимдир етмаганга мен етдим-ку. Бешинчи октябрь санасида мамлакатимиз раҳбари Ўқитувчилар куни муносабати билан видеоселектор ўтказдилар. Бир гуруҳ ёзувчилар қатори мен ҳам бу йиғилишда иштирок этиш шарафига муяссар бўлган эдим. Ўзимча "видео фурсатлари" деб тахминлаётган бу онларда нимага ўша йиғилишни эсладим? Чунки бу йиғилиш мени юрагимнинг тубида қатланиб ётган армонларим рўёбига яқинлаштиргандай бўлган эди. Мен иш фаолиятимни мактабда - муаллимликдан бошлаганман. Орзуларим пучлигини билгач, кейинчалик матбуотга ўтиб кетгандим. Тўғрироғи, матбуотда мактабга қараганда кўпроқ ижтимоий юк тортишга имконим бўлади, деб ўйлаганман. Муаллимлик фаолиятимнинг бир-икки ойидаёқ таълим сифатининг ниҳоятда пастлиги, бир синфда бор-йўғи уч-тўрттагина боланинг яхши ўқиши, қолганларининг шунчаки келиб-кетишини билганимда, ўқитувчилару ўқувчилар колхозу совхозларнинг текин хизматкорлари эканидан ич-ичимдан ҳақоратланганимда, мактабларда олтин, кумуш медаллар сотилаётгани институт, университетларга кириш учун тарозунинг иккинчи палласига билим эмас, пул қўйилаётганини аниқ сезганимда ёмон исёнга келганман. Мен Президентимиз ўтказган тарихий видеоселекторда ўтириб ўша йилларим ҳақида ўйладим: "Энди ҳаммаси бошқача бўлади, қани эди вақтни орқага қайтаришнинг иложи бўлса, ҳеч бўлмаса қирқ ёшда бўлиб қолсам яна мактабга қайтардим. Ўзбекистонда учинчи Уйғонишни яратадиган болаларга дарс берардим. Майли, ҳозирги имкониятим билан ҳам бир нарсаларга ярайман", деб ўзимга тасалли бергандим.

*Наҳотки... наҳотки... беморга: "Сиздан ҳеч нарса керак эмас, фақат шифокорнинг айтганига амал қилсангиз бас, нима керак бўлса ўзимиз қиламиз", дейдиган замонларга етиб келдик?!*



Яхши гап яхши-да, барибир. Қадрдонларим бирин-кетин қўнғироқ қила бошлашди. “Нима керак бўлса тортинмай айтаверинг...”, деган самимий гапларидан қўнғлимга ёруғлик ингандек эди. Биринчи кечага шу кайфият билан кирдим. Эрталабдан бошим зил-замбил, қўнғлимнинг айниши ўша-ўша эди. Ухладимми, ухламадимми, билолмасдим. Чунки тепада чирок ёниб турар, бурнимизга ингичка системасимон нарсада уланган кислород идишидаги сув овоз чиқариб пириллаб айланар, тунги врач, ҳамшира, санитарлар йўлак бўйлаб тинимсиз юришар... Тушуниб турардим, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас, ҳамма ўз ишини бажаряпти. Жуда қисқа фурсатда мана шунчалик шароит яратилганига ҳам минг марта шукур қилиш керак аслида...

– Энди мана бу дугонангиз билан ётасиз, – деди фаррош қиз нарсаларимни эпчиллик билан бошқа бўлмага жойлаштирар экан. Шеригимнинг танишгани ҳоли йўқ, тинимсиз йўталиб ётарди. “Аввалги жойим сал тинчроқмиди”, деб ўйлаётганимда яшил кўзли зирак таққан, бошига ҳам яшил қалпоқ кийган чиройи ниқоб остидан ҳам билиниб турган ёшгина аёл ёнимга келди. Йўқ, аввал қув-қув йўталаётган қўшним олдида бориб: “Йўталдан кўрқманг, шу тарзда ўпкангиздан балғам чиқиб кетади”, деди-да кейин менга юзланди.

Саидахон менинг даволовчи шифокорим экан. Тўғриси, кеча шифокорим кимлигини ҳам билмаган эдим. Шунинг учун: “Сизга ким бу дориларни буюрди?” деб сўраган эди, айта олмадим.

– Ўпкангизда зарарланиш фоизи катта, шунинг учун анчагина кучли дориларни буюраман, – деди Саидахон. Хўжайинимни ётқизганимизда қайсидир дориларни миллиондан келиб гапиришаётган эди, “кучли дори”ни эшитишим билан: “Ниҳоятда қиммат бўлса ололмаслигим мумкин”, дейишга чоғлана бошлайман. Ҳолбуки, қизим ҳам: “Ойи, нима керак бўлса айтаверинг, ҳал қиламан, – деяпти. Лекин бировга оғирлигимни туширгим келмайди, туширсам қийналаман...”

– Мен Сизга буюрмоқчи бўлган дорилар ўзимизда бор, безовта бўлманг, – дейди Саидахон худди дилимдан ўтаётганини сезгандек. Наҳотки... наҳотки... беморга: “Сиздан ҳеч нарса керак эмас, фақат шифокорнинг айтганига амал қилсангиз бас, нима керак бўлса ўзимиз қиламиз”, дейдиган замонларга етиб

## *Сиз хижолат бўлманг, биз одам ажратмаймиз, ҳаммага бир хил қараймиз.*

келдик?! Кўзимдан ёш оқа бошлайди. Бу ҳолатим ўзимга таниш. Умри давомида биров одам қаторида кўрмаган бева, бечораларга давлатимиз томонидан уй берилганда уларнинг қувончларини кўриб худди ҳозиргидай кўзимдан шашқатор ёш келган, юртимизда коррупцияга қарши чинакам уруш очилганда, иш-амали пора олиш бўлган касларнинг типирчилаганларини кўрганимда, билиб-билмай қилган гуноҳлари учун йиллаб панжара ортида ўтирган маҳкумлар афв этилганда... Бу кўз ёшларимни яхши кўраман, уларни қалбимнинг туб-тубидаги азиз жойларда асрагим келади. Аммо шифокорим тинимсиз оқаётган ёшларимни бошқача тушунди, шекилли: “Сиз хижолат бўлманг, биз одам ажратмаймиз, ҳаммага бир хил қараймиз. Ҳозир дориларингизни олиб келишади, бир неча кун уч-тўрт флакондан томчи дори қуямиз. Доридан сўнг бироз беҳол бўлишингиз мумкин. Ташвишланманг, иштаҳам йўқ, деяпсиз, бир қошиқ творогми, икки дона узумми – томоғингиздан нима ўтса, энг...”

Саидахоннинг ниҳоятда эътиборлилигидан ўзимни хаёлан унга ишондим. Қўнғлимда “тузалиб кетаман”, деган ишонч уйғона бошлади. Бир-икки кунда шифохона шароитига мослашдим. Биринчи смена шифокорлари соат саккизда келишади, Саидахон – даволовчи шифокор, Гўзало – ҳамшира... Санитарка, фаррошлар – Сарвиноз, Муқаддас, яна кимлардир...

Иккинчи сменага соат тўртда Алишер Аҳмедов исм-шарифли врач ва Савуле Иброҳимовна деган ҳамшира келади, соат ўн иккида ниҳоятда жиддий, унча-мунчага қовоғи очилмайдиган Ўткирбек исмли врач ва Тошпўлат деган фельдшер йигит келади. Фурсати келганида ҳаммасини алоҳида-алоҳида таърифлагим келяпти. Чунки менинг шифохонадан даволаниб чиқишим ва бугун мана бу сатрларни компьютерда ёзиб ўтиришимда уларнинг ҳар бирининг катта меҳнати бор. Дарвоқе, энг асосий гаплардан бирини айтай... Расулов домланинг фарзанди аржумандлари марказнинг бош шифокори экан. У киши ҳам кунда бир бор ҳол сўраб келиб турдилар. Илоҳо, меҳнатлари роҳат бўлсин! Бўлим бошлиғи Жаҳонбеков ҳам бўлмалар оралаб юриб, саломатлигим билан қизиқиб қўяди.





– Раҳбарларингиз соғлигингизни сўраб туришибди, яхши, дедим, – дейди бош шифокор. Демак, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид сўраган. Барака топсин, шунча ишнинг ичида мени ҳам унутмаганига шукур. Боя айтганимдай, муолажалар боис ўзимга қадрдон бўлиб қолган инсонлар ҳақида миннатдорлик сўзларини изҳор қилмоқчи эдим.

Саидахоним ҳақида сўз бошлаб қўйганман. У киши фақат менинг эмас, бир-бирига “комиссар”, “командир”, дея ( Бу шифохона Мудофаа вазирлигига қарашли экан) мурожаат қиладиган чолларнинг ҳам узундан-узоқ саволларига эринмай жавоб беради. Шунинг учун бўлса керак, бу шифокорни фақат беморлар эмас, ҳамширалар ҳам талашар экан. Имкони туғилди, дегунча Саидахон даволовчи врач бўлган бўлмаларга ўтиб олишга ҳаракат қилишар экан. Бир сафар ҳамшира Гўзалой томирларим жуда ингичкалиги учун менга қаердандир болаларга қилинадиган “капалак” шприц топиб келиб укол қилди. Шунда ҳам баъзан томирим ёрилиб кетар: “Холажон-ей, яна қўлингизни кўкартирадиган бўлдим”, деб узр сўрарди. Соат тўртда бизни Саидахондан қабул қилиб оладиган Алишер Аҳмедов бир қарашда қувноқ инсонга ўхшади. Шеригимга: “Э, тузалиб қолибсиз-ку, чолингиз тўй қилиб беради борсангиз, дошқозонда ош дамлаб”, дея ҳазил билан кириб келарди. Яқиндан билсам, у анча машҳур жарроҳ экан, уни чет элларгаям операциялар учун чақиришар экан. “Жуда ноёб мутахассис экансиз, бу касаллик юқиб қолишидан чўчимайсизми?” деб сўрасам: “Бир нечамизга юқди ҳам, эҳтиётимизни қилиб юрамиз. Бу ер жанг майдонига ўхшайди. Олдиндан бирор нарсани режалаштириб бўлмайди, шунинг учун бирорта ҳамкасбим давлатнинг бераётган катта ойлигидан машина оламан ё ҳовли оламан, деган мақсад билан ишга келмайди. Келдикми, ўша кўринмас

ёвга ҳар томондан зарба беришимиз керак...” У беморларнинг ёнида туриб қолар, хастанни ҳозирги аҳволидан узоқлаштирувчи ҳикоялар айтарди. Алишер билан бирга келадиган Савуле Иброҳимовна аслида эски ТошМИнинг кардиология бўлимида ишлар экан. У кириб келганида бўлмаган чиндан ҳам бир кучоқ нур тушгандек бўлади. Кўзлари кулиб туради, кечқурун уколлардан сўнг эринмай ҳамманинг нинадан кўқарган жойларига йодли тўр қилиб чиқади. Каттароқ кўқаришларга новокаинли компресс қилади, яна ўпкани орқадан массаж қилади. Шахсан мен ҳамширадан буларнинг бирини ҳам сўрамадим. Вазифасини виждонан адо этди, дегани шу бўлса керак-да. Учинчи сменада келадиган шифокор Ўткирбек камгап, келиб нафас олишимизни ўлчайди. Сатурация дейиларкан шифокорлар тилида. “Зўр, тез тузалапсиз”, деб қўяди. Тиббиёт ходими Тошпўлат эса сахардан эрталабки дориларни тумбочкамиз устига олиб келиб қўяди. Томирга биттада тушади, ачишмайди, оғримайди. Ўзининг усталигидан ўзи мамнун бўлиб: “Бопладим-а, бувижон!” деб қўяди. У тиббиёт академиясини битирипти, кардиолог бўлмоқчи, насиб қилса яхши шифокор бўлади. Сарвиноз, Муқаддас, Муҳайё...яна бошқа фарзандимиздай беминнат хизмат қилган санитар қизлар, ҳаммасига нимадир узатиб, миннатдорлик билдирмоқчи бўлсам: “Дуо қилинг, холажон”, дейишди.

Ва ниҳоят уйга қайтишга шайлана бошладим. Юрагим тез урар, юрсам оёқларим титрарди-ю, руҳиятим бақувват эди. “Албатта, ҳамма айтганларингизни қиламан”, дея сўз бердим шифокоримга.

Ўн кун деганда ташқарига чиқдим. Ўғлим турган жойимни топиб келгунича дарахтзор орасидаги масканга қайта-қайта қарадим. Келган чоғимда гуллар сочиб кутган масканни топа олмай ўксиган эдим. Ҳозир у ерга қараб туриб: “Ҳар қандай жойнинг қадрини унда яшайдиган одамлар кўтаради, ҳар қандай масканга шараф бергувчилар у ерда меҳнат қилгувчилардир”, дейман мамнун шивирлаб... Ва мени шифохонага қабул қилган лаҳзадан бошлаб сўнгги онларгача саломатлигим йўлида фидойилик қилган инсонлар, бу ерда беморликдан халос қилиш учун яратилган шароитлар кўз олдимдан бир-бир ўтар экан, гулларсиз ҳам энди бу жой қалбимга яқин, жуда қадрдон туюлади...



# БОР ҚУДРАТИМИЗ – РАҚАМЛАРДА...

*Бахт тушунчасини ҳар ким ҳар хил изоҳлайди. Унинг бирор аниқ формуласи ёки қолипи йўқ. Кимдир тушларига кириб суюнтирадиган бирор буюмга етишганда ўзини саодатманд ҳис қилса, яна бошқа биров учун севимли санъаткори билан учрашиб, ундан дастхат олиш ҳам бахтли лаҳзалар ҳисобланади. Мамлакатимиздаги нуфузли банклар сирасига кирадиган “Ипотека-банк” АТИБ Ахборот ва банк брендини бошқариш хизмати раҳбарининг ўринбосари лавозимида фаолият олиб борувчи Лобар Қосимова ўзининг бу борадаги фикрларини шундай ифодалайди:*

– Эрталаб хизмат вазифамни бажаришга шошилиб бораман, бирор муносабат билан ишимдан узилсам, ўша кун ёки ўша соатлар умримдан узилган вақтга ўхшайди. Кечқурун уйимга – фарзандларим бағрига яна шундай ошиқаман. Менимча, ишда ҳам, уйда ҳам ўзини хотиржам, керакли, севимли ҳис қилган инсонлар энг бахтли инсонлар, деб ҳисоблайман. Ҳаёт чархпалагида умримизнинг қандай ўтиб бораётганини гоҳида сезмай ҳам қоламиз.

Мен суҳбат асносида Лобар Равшановнанинг ҳаёти, фаолияти билан яқиндан танишар эканман, унинг гаплари самимий, юракдан айтилганига ишондим. 2000 йилдан буён банк тизимида ишлаётган Лобархон учун бу соҳа қадрли ва қадрдон саналади. Зеро, онаси Озодбахт аянинг ҳам ўз вақтида бор билими, куч-қуввати, маҳорати шу даргоҳни ривожлантиришга, соҳа тараққиётига сарфланган. Онаси билан ҳозир ҳам касб-корлари борасида тез-тез суҳбатлашиб туришади.

– Биз ҳам банкларнинг тарғиботи билан шуғулланар эдик. Лекин бизнинг ташвиқотимиз сизларникидан бошқача бўларди. Ёзувчи Фафур Фуломнинг “Тўрт ҳангома” сарлавҳали ҳикояси бор эди. Ундаги бир ҳангомада Мамараим исмли киши хўжаликнинг бир йиллик ҳисоб-китоби бўйича даромадига биноан ўзига тегишли бўлган анча пулни олади. Омонат кассасига қўйгани юраги бетламайди. “Ҳукуматнинг газнасига ишониб бўладими? Сиёсат дегани шамолдан тез ўзгариб турса...”, дейди-да, огилхонага кириб, деворга қоқилган қозикни суғуриб, пулини ўша девор ковагига жойлаб, устидан қозикни номига қоқиб кўяди. Хотини бир кун ўша қозикқа жониворни боғламоқчи бўлади-да, шунчаки суқиб қўйилган қозикни яхшилаб қоқади. Бир неча кундан сўнг Мамараим пулидан хабар олгани келса, девор ковагининг иккинчи томонидан йиртилган пуллар кўриниб туради. Биз мана шунга ўхшаган таъсирли воқеаларни гапириб, мижоз тўплашга ҳаракат қилардик. Сизларга энди бир-икки ҳангомани билиш камлик қилади...

Лобар Равшановна онасининг бундай ҳикояларини астойдил тинглайди. Тўғри, бугунги банк тизими кечагидек эмас. Ўтган кунлардан андоза оладиган жиҳати деярли қолмаган. Лекин





тажрибада барибир гап кўп, шунинг учун қахрамонимиз касбига алоқадор соҳа сир-синоатини яхши биладиган инсонлар суҳбатини сира бефарқ тингламайди. Узоқ йиллар давлат план кўмитасида ишлаган отаси Равшан ака, эгизак акалари (гарчи иккови ҳам шифокор бўлса-да) Ҳасан, Ҳусанлар ҳамда кичик акаси Тоҳирнинг ҳам замонавий банклар ва мижозлар ҳақидаги фикрларига қизиқиб туради. Ахир, ишининг мақсади шу-да – одамларни банкка яқинлаштириш. Аҳоли банкни фақат пул олди-бердиси билан шуғулланадиган муассаса, деб тушунишмасин. Унинг фаровонликка олиб борадиган йўл, иқтисодий тараққиётга олиб борувчи беминнат маслақдош эканига ишонишсин. Бугун оиласи ва юртини бойитадиган тадбиркорлар банк билан ҳамкорликда миллий маҳсулотларни дунёга олиб чиқиши мумкинлигини қалбан ҳис қилишсин.

– Айнан шу мақсадда тарғибот ишларимизни мажлис, маъруза шаклида ўтказмаймиз. Жозибали йўлларини ахтарамиз. Дейлик, мижозлар билан ишлашда ходимдан нима талаб қилинади, нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида тизимдаги барча ходимлар ўртасида турли кўринишдаги тадбирларни ташкиллаштирамиз. Баъзан бундай тадбирларимизни боғларда, очиқ майдонларда ҳам ўтказамиз. Бугунги банклар, шу жумладан Ипотека-банкнинг молия оламидаги ўрнини



мустаҳкамлаш йўлида биз қўллаётган турли замонавий усулларнинг ўзига хос аҳамияти бор... Банк брендини, имижини авваламбор сифатли хизматлар билан бир қаторда хушмуомала ходимлар юксалтиради.

Лобар Равшановнинг шу тарздаги тушунтиришларидан англадимки, банк филиаллари ходимлари билан ишни яхшилаш борасидаги суҳбатлар ёки ёш кадрларга бериладиган сабоқлар ҳам бирмунча норасмий кўринишда бўлади. Банк ходимлари орасида психологик тренинглар ҳам ўтказиб турилади.

Бир қарашда бу энгил ишдек туюлиши мумкин. Лекин кундан кун такомиллашиб бораётган, дунё кўламида мураккабдан мураккаб хизматларни ўз гарданига олаётган банк соҳасида кимгадир гапириш, уни ишонтириш учун ўзинг мунтазам равишда билим,

кўникмаларингни такомиллаштиришинг керак. Адабиёт, санъат билан кишиларни ўзига тортиш осон, лекин бор қудрати рақамларда бўлган банк ишини ҳар хил фикрлайдиган, турли касбдаги одамларга тушунтириш учун Лобархон Равшановна ҳам тинмай изланади.

– Дунёдаги банк ва мижоз орасидаги муносабатларни ўргана бориб, ўзимизда ҳам маълум тажрибалар пайдо бўляпти, – дейди ёш, изланувчан мутахассис.

Лобар Қосимова айнан шу йўлни танлаганининг ҳам сабаби бор. Унинг ботинида қалби нақшга тўла бир санъаткор – хунарманд яшайди. Қўл меҳнатига ҳавасмандлиги учун Тошкент тўқимачилик ва энгил саноати институтини тутган эди. Аммо тақдир



*Уларнинг буйларига, зук-коликларига қараб суюнадиган онанинг ҳам орзулари улғайиб борди. Лобар энди қўғирчоқ яшаш – ҳунармандчиликда ҳам ўзини синаб кўрди.*

унга банк ходимаси бўлишни раво кўрган экан, қувониб қабул қилди. Касбининг устаси бўлиши учун Тошкент молия институтида ўқиди, иккинчи бор талабалик машаққатларига чидади. Лекин фарзанд парвариши учун банд йилларида қалбининг тубидаги орзуларини рўёбга чиқариш имкони туғилди. Беланчак тебратиб ўтириб, гўдакларини аллалаётиб, қўлида ранг-баранг иплару тўқиш асбоблари бўларди. Вақтлар ўтди. Қизлари Рухсорахон, Моҳисорахонлар, ўғилчаси Муҳаммадусмон катта бўлишди. Уларнинг буйларига, зукколикларига қараб суюнадиган онанинг ҳам орзулари улғайиб борди. Лобар энди қўғирчоқ яшаш – ҳунармандчиликда ҳам ўзини синаб кўрди. Аввал шунчаки ҳавасга ясаб юрган қўғирчоқлари кўпларга маъқул тушиб, талаб ошиб бораётганини кўриб астойдил ишга киришди. Энди қўғирчоқлари шунчаки оддий қўғирчоқлар эмас, балки, миллий кийимларда жилоланган ўзбек қизларининг тимсоли сифатида намоён бўла бошлади. Миллий урф-одатлар, анъаналарни тарғиб қилувчи кўرғазмаларга таклифлар



нафақат юртимиздан, балки хориждан ҳам келиб туша бошлади.

– Қизиққан ҳунарим билан хизмат вази-фам бир-бирига мутлақо халақит бермайди. Иккови икки қанотимга ўхшайди. Тўнғич қизим Рухсорахон Турин политехника институ-тининг талабаси бўлди, кичикларим мактабда, боғчада. Қизларим дастёр бўлиб қолганига шукур қиламан. Хизматдан кўнглим тўлиб, уйга келганимда ҳамма ёқ саранжом-саришта, ошхонадан ёқимли бўйлар келаётган бўлади. Бир пас дам оламан-у, севимли ишим ёнига ўтаман. Таомдан сўнг дарс ва юмушларидан бўшаган қизларим ёнимга келишади. Улар ҳам чиройли шарфлар тўқишиб, дугоналарига ҳадя қилишдан қувонадилар.

Лобар Равшановна ҳамма ҳақида – ота-онаси, акалари, келинойилари, жиянлари, раҳбару ҳамкасблари ҳақида гапирар экан, чехрасидан табассум аримайди. Уни эшитиб ўтириб, менинг ҳам тўрт томоним яхши одамларга, яхшиликларга тўлиб кетганга ўхшайди. Илоҳо, ёнимизда, рўпарамизда шу латофатли аёл каби хуш сўзлари билан дилларга эзгулик уруғини экувчи инсонлар кўп бўлсин.

Сўхбат сўнгида Лобар Равшановна “Саодат” мухлисларини кириб келаётган янги йил байрами билан қутлаб, 2021 йил барча юртдошларимиз хонадонига бир олам қувонч ҳамда янги зафарлар олиб келишини тилаб қолди.



**Дилсора НУРМУРОВОВА**



# Кўшалок

## дахмаза

Ҳикоя



Ғафур  
ШЕРМУҲАММАД

Яхши кўрган итинг қутурса, жуда алам қиларкан. Бунинг устига, бошқа вақт қуриб қолгандай, қиш қиличини яланғочлаб турган аёзли кунларда...

Чошгоҳга яқин иссиққина сандалда ўтириб нонушта қилаётган эдим. Қутилмаганда эшик шарақлаб очилиб, хотин ҳовлиққанча уйга бостириб кирди. Унинг қўлидаги қурум босган тандир косовни кўриб, шошиб қолганимдан пиёладаги қайноқ чойни тўкиб юборай дедим.

– Тинчликми, хотинжон? – дедим ҳар эҳти- молга қарши ҳимояга чоғланиб.

– Тез ташқарига чиқинг! Итимиз қутуриб- ди!

– Нима? Эсинг жойидами? Мушукдай беозор кучукчаям қутурарканми?

Хотинимнинг кўрққанидан қулоқлари битиб қолган шекилли, гапимни эшитмади. Лойга ботган кавушини ечмасдан дераза томон юрди. Мен эса лунжимдаги луқмани чайна- масдан ютиб, шоша-пиша ҳовлига чиқдим.

Кучугимизнинг қутургани рост, шекилли. Бояқиш аянчли ангиллаганча ҳовлида у ёқдан- бу ёққа зир чопяпти. Тили тумшуғидан чиқиб, бир қарич тасмадай осилиб қолган.

– Симба, баҳ-баҳ.

Жонивор югуришдан тўхтаб, менга қара- ди. Ё тавба! Қутурса, муштдайгина лайча ҳам кўзингга йўлбарсдай ваҳший бўлиб кўринар- кан. Симбанинг менга қадалган митти кўзла- ри совуқ йилтирар, иркит тумшуғидан тиним- сиз кўпик оқарди. Унинг важоҳатини кўриб баданимдан муздай тер чиқиб кетди. Яхшиям вақтида уйга кириб, эшикни ёпишга улгурдим. Сал имиласам, ташланиб қоларди-ёв.

– Оббо, палакат-ей! Бу бало қаердан ёпиш- ди экан унга...

– Бўлар иш бўлди, – деди анча ўзига келиб олган хотиним. – Қутурган ҳайвон қайтиб тузалмайди. Тезроқ бу шўртумшуқни бир ёқлик қилинг.

Ташқарига чиқишга ҳеч ҳам оёғим тортма- ётган эди.

– Озгина кутиб турсак, ўзи бир ёқлик бўлиб қолар...

– Ҳадемай болалар мактабдан қайтади! – жеркиб берди хотиним. – Унгача мерган тоғанғизни чақи- риб келиб, кучукни оттириб ташланг.

Ўйлаб кўрсам, шундан бошқа чораси йўқ экан. Хотиннинг қўлидан тандир косовни олиб, истар-ис- тамас ташқарига чиқдим. Бахтимга, оғилхонанинг ёнида гужанак бўлиб ётган Симба мени пайқама- ди. Эҳтиёткорлик билан юриб дарвозадан чиқиб олдим-у оёғимни қўлимга олиб тоғамникига чоп- дим.

Қодир тоғам бу хабарни эшитгач, деворга осиг- лиқ милтигини олиб обдан тозалади. Кейин ўқлаб, беш-олтита патронни чўнтагига солди.

– Тагин кучугинг тишлаб олиб, зиён етказмасин, – дея эгнига қалин жун чакмон кийиб, бошига мўйи тўкилган эски телпакни бостириди.

Уйга етиб келишимиз билан тоғам милтиқ ўқ- талганча дарвозадан мўралаб, ҳовлини кузата бошлади. Мен эса милтиқнинг гумбурлаган тову- ши қулоғимга зарар етказмасин деган ниятда беш- ўн қадам нарида юрак ҳовучлаб турибман.

– Кучугинг кўринмайди-ку? – деди тоғам елка қисиб.

Икковимиз ҳушёрликни сусайтирмай ичкари- га кирдик. Боягина ҳовлини бошига кўтариб чошиб юрган Симбадан дарак йўқ эди. Шу пайт тандирхо- на тарафдан аллақандай куюнди ҳиди келаётгани- ни пайқаб қолдим.

– Симба жон ҳайбатда ўзини ёниб турган тан- дирга урганга ўхшайди!

Тоғам милтигини шайлаб тандирга мўралади.

– Расво бўпти, – деди у жаҳд билан. – Келиннинг кўзи қаёқда эди?

Бечора Симба! Қутургани етмагандай, пешо- насига оловда жизганак бўлиб ўлиш ҳам битилган экан-да... Энди тандирнинг ҳам баҳридан ўтишга тўғри келади.

Кўнглим бузилиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетай деди. Истар-истамас тандирга энгашдим. Хай- рият, адашибман. Чўғи ланғиллаб турган тандир- да куйиб, қоп-қора кўмирга айланиб қолган нонлар тутаётган экан.

Шу пайт эшик гийқиллаб очилиб, хотиним уйдан чиқди.

– Кучук қани? – сўрадим ундан.





задан кириши билан тоғам уни отиб ташлайди. Мабодо, ўқи хато кетса ёки лайча енгилроқ яраланиб ҳужумга ўтса, милтигини қайта ўқлагунича камина уни ҳимоя қилишим зарур. Ўйлашимча, менинг аралашимга ҳожат қолмаса керак. Чунки тоғам чумчуқни кўзидан урадиган мерганлар тоифасидан.

Дарвозага тикилиб ўтириб Симбага ачиниб кетдим. Жонивор жудаям ақлли эди! Катта ўғлим уни муштдай кучукбачча пайтида аллақадардан топиб келувди. Уч-тўрт ойда бинойдай лайчага айланди. Бўйи бир қарич, миттигина бўлгани билан ҳовлимизни унча-мунча бўрибосардан яхшироқ кўриқларди. Дарвозадан бегона одам кирса, шердай ташларди ўзиям! Унинг шарофати билан кўшнилари дардисар товукларию ярим оқшом ошхонани ағдар-тўнтар қилиб кетадиган дайди мушукларнинг ҳам қораси кўринмай қолувди.

Қургурнинг турқи чиройли эди. Таканикидек узун, оқиш тусли жуни нуқрадай ялтираб, кўрган кўзни қувнатарди. Киноларда ажнабий хотинлар бунақа кучукчаларни боласидай бағрига босиб, папалаб юришади.

Шундай кучукдан жудо бўлиш оғир ботади-да одамга! Яқин дўстимнинг ити ўлиб қолганида хотинию болалари билан қаттиқ қайгурганини кўриб кулгим қистаган эди. Энди билсам, унга осон бўлмаган экан...

Тоға-жиян анчадан бери дарвозага ҳушёр термилиб ўтирибмиз. Бу орада осмондаги булутлар янаям қуюқлашиб, изғирин шамол эса бошлади. Тоғам-ку қалин чакмонга ўраниб олган, аммо мен унунроқ кийинганим учун совуқ суяк-суягимдан ўтиб кетиб, оёқ-қўлим тарашадай қотиб қолди. Бунинг устига, очликдан ошқозоним қулдираб, кўнглим беҳузур бўла бошлади. Оғилхонада эса кунбўйи қаровсиз қолган гунажининг овози ўчмайди. Худди мен еб, у қуруқ қолгандай! Тезроқ Симбани бир ёқлик қилсак, кейин иссиққина сандалга кириб олиб, тўйиб овқатланардим. Аксига олиб, бу касофатдан шу пайтгача дарак йўқ.

Шомга яқин Қодир тоғамнинг тоқати тоқ бўлиб, ўрнидан турди.

– Қоронғида мўлжални яхши ололмайман, – деди у. – Лекин сен ҳушёр бўлиб тур. Мабодо кучугинг кечқурун қайтиб келса, йўлини қилиб, устидан сув қуйиб юбор. Қутурган жониворнинг баданига сув тегса, тил тортмай ўлади.

Ҳар эҳтимолга қарши болаларни ҳам тоғамга қўшиб юбордик. Хотин билан маслаҳатлашиб, уйга икки челақ сув кириптиб қўйдик.

Ё, тавба! Жўрттага қилгандай, тоғам кетиши билан Симба ҳовлида пайдо бўлиб қолса денг! Ўзи жуда зийрак кучук эди. Уни отиб ташламоқчи бўлганимизни сезганга ўхшайди.

Симба деразадан қараб турганимизни кўриб аста олдимизга келди. Бадбахтнинг аҳволини кўриб баттар эзилиб кетдим. Бир кунда озиб-тўзиб, қумуш тусли жунлари кул сепилгандай хира тортиб қолибди. Паҳмоқ думини осилтириб, шарпадай судралиб юрибди. Тумшугидан чиқиб қолган тили кўкариб, дўмбирадай шишиб кетган. Ангиллашга ҳам ҳоли келмай, ора-сира бўғиқ товушда хириллаб қўяди.

– Бечора адоий тамом бўпти-ку, – деди хотиним йиғламоқдан бери бўлиб.

– Бояқишга ёрдам беришимиз керак, – дедим хўрсиниб. – Сувни бер менга.

– Балки қутурмагандир? Эртагача шошмай турсак бўлармиди...

– Сенга бундан ортиқ қанақа исбот керак? – дедим баттар жаҳлим чиқиб. – Кўзлари ҳаммасини айтиб турибди-ку.

Хотиним сув тўла челақни қўлимга тутқазиб, нари кетди. Мен аста деразани очдим. Симба шундоққина рўпарамда чўнқайганча менга маъюс қараб турибди.

– Ҳозиргина кўчага югуриб кетди, – деди у тушқун кайфиятда. – Қутурмай ҳар бало бўлсин. Шунинг касрига бир тандир нондан айрилдим.

– Тагин битта-яримта одамга ташлаиб қолса-я! – дедим капалагим учиб.

Тоғам билан Симбани ахтариб қишлоқни кезиб чиқдик. Бироқ лайча ҳеч қаерда йўқ эди. Йўлимизда учраган одамларга вазиятни тушунтириб, эҳтиёт бўлишни тайинладик.

– Кучугинг бирон ковақда ўлиб-нептиб қолмаган бўлса, уйга қайтиб боради, – деди тоғам.

Икковимиз дарвоза ёнидаги катакнинг панасига бекиниб олиб, Симбани кута бошладик. Тоғамнинг қўлида милтиқ, менда эса тандир косов. Хотин билан болалар эшик-туйнукни беркитиб, деразадан мўралаб ўтиришибди. Симба дарво-





– Биздан рози бўл, Симба! – дедим кўнглим бузилиб. Сўнг челақдаги сувни устидан шариллатиб қуйиб юбордим. Симба чап беришга улгурмади. Бошидан тортиб, пахмоқ думигача жиққа хўл бўлди. Ожизгина хириллаб, жон ҳолатда дарвоза томонга қочди.

Кечқурун хотиним билан анча пайт Симбанинг қилиқлари, яхши хислатларини эслаб ўтирдик. Икковимизнинг ҳам кайфиятимиз тушиб кетган эди. Хотиним орада бир-икки марта кўзёши ҳам қилиб олди.

Ўлгудай чарчаган эдим. Гапириб ўтириб ухлаб қолибман. Алламаҳалда хотиним турткилаб уйғотди.

– Ҳовлида биров юрганга ўхшайди, – деди у ваҳима билан. – Боядан бери аллақандай шовқин эшитилапти.

Нафасимни ичимга ютиб қулоқ солдим. Ташқарида шамол увиллар, ора-сира ҳовлининг гоҳ у бурчагидан, гоҳ бу бурчагидан сон-саноксиз шишаларнинг жананг-журунги эслатадиган овоз эшитилиб қолади. Майингина, заифгина, лекин юракка кўркүв соладиган сирли бир товуш!

– Чирокни ёқ-чи, – дедим кийина туриб.

– Қуриб кетсин! Шу пайтда свет ўчиб қолибди.

Тимирскиланиб деразани топдим-да, ташқарига мўраладим. Ҳамма ёқ зим-зиё, йил этган ёруғлик йўқ. Нуқул шишаларнинг шалдирашию аллақандай тапир-тупур овоз эшитилади. Бир пайт сирли шовқин дераза томонга яқинлашиб кела бошлади. “Балодан ҳазар”, дея шу заҳоти пардани ёпиб, тўшакка кириб олдим.

– Нима экан? – сўради хотиним хавотир билан.

– Билмасам... Қоронгида ҳеч нарса кўринмаяпти.

Кутилмаганда шалдир-шулдир овоз шундоққина деразанинг ортидан эшитилиб, ойна қитирлагандай бўлди. Яна аллақандай хириллаш ҳам қўшилди. Хотин шўрлик иситмаси чиққан беморга ўхшаб аъзойи бадани дағдағ титрайди. Тўғриси айтсам, ўзимнинг

ҳам аҳволим уникидан пеш эмас. Шалдир-шулдир овозлар сира тинай демайди. Кун бўйи қутурган кучук машмашаси, кечқурун бу дахмаза... Роса бошоғриқ кун бўлди-да ўзиям.

– Чиқиб қарамайсизми? – деди хотиним зарда билан. – Эркак кишисиз, ахир!

Тоғамнинг милтигини олиб қолиш эсимга келмаганини қаранг. Ҳечқурса тандир косов ёнимда бўлганида ҳам майли эди. Ақли бор одам бундай пайтда қуруқ қўл билан ташқарига чиқмайди. Истар-истамас ўрнимдан турдим. Аста бориб деразанинг рафига мушт туширдим.

– Йўқол бу ердан! Йўқса, ҳозир милтиқ билан пешонангдан дарча очиб қўяман!

Сирли махлуқ ҳайбатимдан чўчиди шекилли, ойнани тимдалашни бас қилиб, шалдир-шулдир қилиб қочиб қолди. Ўзимга бўлган ишончим ортиб, анча енгил тортдим.

– Қўрқма, хотин, махлуқни ҳайдаб юбордим, – дедим салмоқлаб. – Қайтиб уйга яқинлашмайди.

Шу куни эрталабгача ҳовлимизда шалдир-шулдир овоз тинмади. Бунақа пайтда кўзга уйқу келармиди? Бир-биридан ваҳимали ўйлардан миям говлаб кетди. Бир пайтлар бувам раҳматлидан эшитган эдим, шомдан сўнг жин-ажиналар ер юзига чиқиб, тонггача изғиб юраркан. Битта-яримта одам йўлида учраб қолса, зиён-заҳмат етказишдан тоймас эмиш. Янаям ким билади дейсиз. Бу дунёда одам боласининг ақли етмайдиган синоатлар оз эмас. Ишқилиб, эртага хўроз-пўроз сўйиб, қон чиқариб юбормасак бўлмайди-ёв!

Аксига олиб тун аччиқ ичакка ўхшаб чўзилгандан-чўзилди. Эр-хотин нафасимизни ичимизга ютганча сирли шовқинга қулоқ тутиб ётибмиз. Кутилмаган синов икковимизни бир-биримизга жуда яқинлаштириб қўйган эди. Бу орада шамол тиниб, шишаларнинг жананги онда-сонда эшитила бошлади.

Ниҳоят, катақдаги қизил хўроз чўзиб-чўзиб қичқирди. Унинг хирқироқ овози қулогимга найнинг садосидай ёқимли эшитилди. Парданинг тирқиши ёриша бошлаганда елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил тортдим.

Тонгга яқин ухлаб қолган хотинимни уйғотиб юбормаслик учун эҳтиёткорлик билан ўрнимдан туриб, эшикни очдим. Ташқарида гупиллаб қор ёғар, ҳамма ёқ оппоқ тусга кириб улгурган эди.

Туйқус таниш шалдир-шулдир овоз шундоққина ёнимда эшитилса бўладими! Ўрнимда кўрқоқроқ одам бўлганида юраги ёрилиб кетиши тайин эди. Не кўз билан кўрайки, остонада Симба менга ялтоқланиб қараб турарди.

Кечаги важоҳатидан асар ҳам йўқ. Дўмбирадай шишиб кетган тили аллақачон ўз ҳолига қайтган. Таканикидай узун жунларига осилиб турган сон-саноксиз сумалакчалар юрганида бир-бирига урилиб, шалдир-шулдир овоз чиқаради. Аввалига ҳеч нарсага тушунолмаб, унга бақрайиб қараб қолдим. Оқшом Симбанинг устидан бир челақ сув қуйиб юборганим эсимга тушди-ю, ҳаммасини тушундим. Бечоранинг жиққа хўл бўлган жунлари кечаги совуқда музлаб қолибди...

Симба қутурмаган экан.

Маълум бўлишича, лайчаси курғур қўшнимиз Баҳром аканинг ҳовлисида молларга пиширилайётган қайноқ кунжарани ялаб қўйиб, тилини куйдириб олган экан. Муштдайгина кучукнинг баднафслиги шунча ташвишга сабаб бўлиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз?

Симба-ку омон қолди, лекин унинг дастидан катақдаги товуқлар азият чекадиган бўлди. Чунки ўша куниёқ қизил хўрозни сўйиб, ихчамгина маросим ўтказиб юбордик.



# Шабнам териб юрган

## Бокира қуёш!



### Амирқул КАРИМ

1960 йил 2 сентябрда Шаҳрисабзда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг ва Санкт-Петербург Давлат университетининг журналистика факультетларида, Ҳиндистондаги Ж.Неру университетининг оммавий ахборот воситалари институтида таҳсил олган.

Шоирнинг “Шабнам тераётган қуёш”, “Кўк қушлари” шеърий тўпламлари, “Тарихнинг узилган парчаси”, “Истиқлол тарихидан лавҳалар”, “Боқий атиргуллар”, “Басё юрти мўъжизалари” каби бадиий-публицистик асарлари нашр этилган.

Айни пайтда “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

### БОЛАЛИК

Болалик – баногоҳ узилган уйку,  
Саҳар буюрилган ишдаги малол.  
Чумчуқ кипригига қўнолмасдан тонг,  
Сурувлар ортида суринган хаёл.

Хотирнинг аждари қўриган жавҳар,  
У – кекса табассум кўзидаги ёш.  
Зангори майсалар юзидан мангу  
Шабнам териб юрган бокира қуёш!

### БУ ТУНЛАРДА

Бу тунларда, телба тунларда,  
Чўнтагинга солиб қўлингни,  
Мени қайга бошлайсан, дея  
Саволларга тутма йўлингни.

Бу тунларда, телба тунларда  
Қаҳри қаттиқ бир соҳибжамол,  
Дил шишангни чил-чил синдирса,  
Пешонангни силасин шамол.

Бу тунларда, телба тунларда  
Кўзингдан ёш қуйилгани пайт.  
Кафтинг билан ғамни сидириб,  
Ўзинг севган қўшиғингни айт!

Бу тунларда, телба тунларда  
Қайтармагин юрагинг шаштин  
Топгунича девона кўнгил  
Тун бағридан ўзига таскин...

### АЁЛ

Сўқир шамолларнинг бетин зарбидан,  
Зангор япроқларин тўкканда руҳим.  
Ашкимга меҳрдан рўмолча сўраб  
Борсам, табассуминг аяма, гулим.

Оламда мен мўъжаз умримни тиккан,  
Маъволар бисёрдир, мангу безавол,  
Мен бу дам англадим, қадим дунёнинг  
Энг боқий мазмуни аёлдир, аёл...

### ТАДРИЖ

Нимадир ўзгарди. Оғирдай жисмим,  
Уруғ қадалмасдан яп-яйдоқ далам.  
Шижоат етмасдан, журъат етмасдан,  
Лойга ботиб қолган ҳиссиз ҳафсалам.

Нимадир ўзгарди. Синиқдай руҳим,  
Қайноқ жабҳалардан ўтгум айланиб.  
Давралар, олқишлар, дунё илинжи  
Гарчи дил эшигин излар роиланиб.

Нимадир ўзгарди. Балки бу Ёшлик,  
Жисмимдан сўрайди маъюс изини.  
Балки остимда деб юрганам бу Вақт,  
Оҳиста бўшатар қўлдан тизгинин.

Нимадир ўзгарди...балки қаридим,  
Гарчи жавон эрур беҳабар кўнглим.  
– Мен билан ўйнайсиз! – хархаша қилар,  
Ёшимга бепарво навқирон ўғлим.

Муродин топгандек бўлади мурод,  
Осмонга тегади ношукур бошим.  
Керакли тош бўлар руҳимга вужуд,  
Кўнглимдан кичрайиб қолади ёшим...



# Мен ишқни куйлаган бир қақнус

**Гулбаҳор Саид ҒАНИ**

(Гулбаҳор Саидганиева)нинг “Ёввойи ушшоқ”, “Барибир бахтлиман”, “Қўшигимни кутмоқда дунё”, “Ой йўли” шеърий тўпламлари нашр этилган.

Немис ёзувчиси Патрик Зюскинднинг “Ифор”, Айседора Дунканнинг “Менинг ҳаётим” асарларини таржимасини қилган. Гулбаҳор Саид Ғани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди, доцент. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.



## УСТОЗ

Энтикиб борганман биринчи синфга,  
Қўнғироқ бонгига кулгу жўровоз.  
Муаллим қошида мулзам толибдек  
Бугун ҳам энтикиб турибман, холос.

Юмалоқ жаҳонни қўлтиқлаб бири  
Супрадай ёзганда харитасини,  
Қизил чизиқларда океан бўйлаб  
Балки чизиб ўтган ишқ риштасини.

Квадрат остида, кублар остида  
Ёруғлик ўлчами, кенглик ўлчамин  
Катакдай хонада катак варақда  
Идрокка сигдирган буюк муаллим.

Тўртни чиқарамиз илдиз остидан,  
Не қолар саноқда, айтинг ростидан,  
Сизга таъзим бугун тафаккуримни  
Илдизнинг остидан чиқарган инсон!

Сўзлар сеҳринию тарих садосин  
Тинглашга ўргатган азиз устозлар!  
Юлдузлар илмини, Ньютон қонунин  
Ўргатиб, онгимни юксалтган сизлар!

Эркни, миллатимни, саодатимни  
Ҳақ сўзни ўргатган эй бузрук устоз!  
Икки дунё узра олқиш тинмасин  
Изидан гул унган табаррук устоз!



\*\*\*

Дилдошим мендан-да аълога кетди,  
Балки, у бемисл Узрога кетди.

Биз севган инсонлар саф тортиб ўтди,  
Кимса ҳеч қайтмаган маъвога кетди.

Оҳангим тополмай, сарсонман ҳануз,  
Булбулдек куйладим – сабога кетди.

Ғалвирнинг устида қолгайми недир,  
Урмимнинг тенг ярми ғавгога кетди.

Қалбимнинг қўрини бердим у кўрдим –  
Шеърият тоқида даъвога кетди.

Мажнундек оҳ тортсам, Лайлидек куйсам,  
Мен ишққа дил берсам – фанога кетди.

Олам ўтрусида турурман ёлғиз,  
Маънисиз дунёлар маънога кетди.

Бедилман, бешуур, титроқда, Танграм!  
Сўзларим ҳамдингу саного кетди.

\*\*\*

Бир мужда келтирди саҳарги насим,  
Дилим ардоғида бир гўзал исм,  
Соялар суҳбатин тинглаб тун кеча,  
Япроқлар бағрида йиғлади сим-сим.

\*\*\*

Соҳилларинг ширин нафасим,  
Муҳаббатим дарёсидасан,  
Борар еринг яна ўзимман,  
Кўзларимнинг қаросидасан.



# МЕНГА ИШОНИНГ ВА ИМКОН БЕРИНГ!

**Ҳаёт жуда мураккаб. Шундай тасодифлар бўладики, у бир лаҳзада сенинг ҳаётингни ўз ўқидан чиқариб юборади.**



Тасодифий автоҳалокат ва касаллик туфайли кетма-кет уч нафар жигаридан айрилган Гулноза ҳам ана шундай қаттиқ руҳий тушкунликка тушиб қолганди.

Оилада саккиз нафар фарзанднинг олтинчиси бўлган Гулноза соғлом туғилиб вояга етган, Хоразм вилояти Урганч тумани Низомий номидаги ўрта мактабни аъло баҳолар билан, кейин Тошкент Давлат педагогика олийгоҳини имтиёзли диплом билан битирган эди. Университетда унинг фаол ташкилотчи, билимга чанқоқлиги маъмуриятнинг ҳам эътиборидан четда қолмаган эди, албатта. Ана шундай кунларнинг бирида бир курсдошининг акасидан унга совчи келди.

Тақдирига битилган экан, тўй ҳам бўлди. Олийгоҳни муваффақиятли битирган кўзлари чақнаб турувчи бу жонкуяр қизнинг олийгоҳда ишлаб қолиши учун имкони бор эди, аммо у бундай қилмади. Эндигина оила курган келинчак ихтиёри турмуш ўртоғида эканлиги учун маъмуриятга ўйлаб кўришини айтди. Эри унинг илк фаолиятини нуфузли даргоҳда эмас, кичикроқ жойда бошлашини маъқул кўрди.

Гулноза бир хусусий корхонада аввал кадрлар бўлимида, кейинчалик иқтисодчи вазибаларида фаолият олиб борди.

Яқинларидан кетма-кет айрилиши Гулнозани изтиробга солди. Ўшанда унинг ёлғиз фарзанди Шоҳжаҳон 13 ёшга кирган эди. Умидсизлик, ички изтироб ахийри унинг саломатлигига чанг солди. Руҳий тушкунлик оқибатида микроинсулт ўтказгани етмаган-

дай, полиартрит (бўғимларнинг яллиғланиши) хасталигига чалинди.

Гулноза Саидова 2006 йилнинг баҳоридаги тонгларнинг бирини қаттиқ юрак титроғи билан қарши олди. Унинг қўл-оёқлари жонсиз, ҳаракатдан тўхтаган эди.

Бу ҳолат аёл учун яна бир тақдир зарбаси бўлди.

У турмуш ўртоғининг юзига қарай олмас, унинг олдида ўзини гуноҳкор сезарди.

Бир куни у эрига:

– Дадаси, мен энди юролмасам керак, сизга юк бўлишни хохламайман. Ўн беш йиллик турмушимиздан мингдан-минг розиман. Аҳил яшадик. Энди сиз касал қарайсизми, рўзғор қиласизми, бизни боқасизми? Мен қийналишин-гизни хохламайман. Сиз ҳам ўз бахтингизни топинг, ажрашамиз! – деди.

Уни севиб уйланган, оиласини ардоқлаб келаётган Отабек аёлининг гапига ҳеч нима демасдан ташқарига отилди. Анча вақтдан сўнг унга овқат олиб кирганда унинг қовоқлари шишиб, кўзлари қизариб кетган эди. У шу ҳолатда энг керакли сўзни топиб айтди:

– Менинг ташлаб кетадиган хотиним, воз кечадиган оилам ҳам йўқ. Мен шу ерда сизлар билан бахтлиман. Тош келса кемираман, аммо сизлар билан ўлгунимча биргаман...

Ҳа, умрининг йўлдоши тириклик пайтидаёқ вафодан ўзига ҳайкал қўйди. Ногирон бўлиб қолган Гулнозани парваришлаб, ардоқлаб келмоқда. Улар эндиликда ҳар бир ишни бамаслаҳат амалга оширадилар. Беморлик уларни янада бирлаштирди, меҳр-муҳаббатларини янада мустаҳкамлади.

– Мени руҳан тикланишимга туртки берган яна бир инсон, марҳум устозим, Республика “Ногирон тадбиркор аёллар” ассоциацияси раҳбари Зухра Раҳматуллаевадир, – дейди Гулноза. – Илк марта “Ёшлар” каналида “Дилдош” номли кўрсатувда Зухра онанинг ногиронлик масалалари бўйича суҳбатини кўриб қолдим. Унинг “Бизга ишонинг ва имконият беринг!” деган даъвати менинг тушкунлик гирдобига фарқ бўлаётган





руҳиятимга куч бағишлади. Шундан сўнг уни излашга тушдим.

Ҳали ногиронлик аравачам бўлмаса-да, турмуш ўртоғим мени боладек қўлида опичлаганча ассоциация биносига олиб кирди. Телевидение орқали дадил чиқишлари билан кўпсонли ногиронларга яшашга рағбат берган аёл, ассоциация раҳбари Зухра Раҳматуллаева ногиронлик аравачасида мени кутиб олган кичик жуссали аёл эди. Унинг ҳатто қўллари ҳам яхши ишламас, аммо ақлан ва руҳан соғлом фикрли эди. Унинг фикр ва ғоялари ўткир ва теран, ҳар қандай одамга куч ва кўтаринки руҳ бағишлай оларди.

Мен унинг олдидан уйга умуман бошқа Гулноза бўлиб қайтдим. У менга ҳаётга тик қарай олишни, яшаш ва изланишни ўргатди. Ассоциация томонидан ногиронлик аравачасига эга бўлдим.

Биз турли лойиҳалар устида бирга ишладик. 2008-2009 йилларда БМТнинг аксесс лойиҳаси – “Ногиронларнинг жамиятдаги интеграциясини амалга ошириш” масаласи бўйича лойиҳа раҳбари Яна Чечерина билан учрашув ташкил этилди. Тадбирда ўз фикрларимни билдирган ҳолда таклифлар билан чиқишим Яна Чечерина эътиборини ўзига тортди. У мени халқаро семинар-тренинглар эксперти, кейинчалик координатор қилиб тайинлади. 2009-2010 йилларда мен ўз туғилган юртим – Хоразм вилояти миқёсида ногиронлик жамиятларида ва ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви ҳамда шу масалаларга алоқадор ташкилот раҳбарлари учун 3 кунлик ва 6 кунлик семинар-тренинглар олиб бордим. Очиқ айтиш керакки, ўша пайтларда жисмида нуқсонли бўлган шахсларни лидерликка тайёрлаш, уларнинг ҳаёт ва яшаш тарзида фаоллигини ошириш масаласи анча эътибордан



четда эди. Шу боис ҳокимлик мутасаддилари ва тегишли ташкилотлар кўмаги, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими бошқармалари, ҳокимият ижтимоий бўлимлари, “Оила маркази”, “Қизил ярим ой” жамияти, “Соғлом авлод” хайрия фонди вилоят бўлимлари раҳбарлари иштирокида БМТ ҳамкорлигида ўтказилаётган семинар-тренингга кенг жалб этилди. Тренингларда ногиронлиги бўлган шахслар томонидан тайёрланган қўл иши маҳсулотлари кўرғазмалари ҳамда Хивага саёҳатлар уюштирилди.

– Семинар-тренинг ўз самарасини берди. Раҳбар ходимларнинг ногиронларга бўлган ишончи ва муносабати ўзгарди. Жисмоний нуқсонлари бўлган фарзандларда ҳаётга муҳаббат, меҳнатга рағбат уйғота олганимдан хурсандман, – дейди қаҳрамонимиз.

Гулноза Саидова 2013 йилда Япониянинг ЖАЙКА халқаро ташкилоти томонидан “Ўзэкспомарказ” да ташкил этилган бир ойлик “Ногиронлик масалалари бўйича тренерлар тайёрлаш” ўқув-тренингида иштирок этиб, тренерлик сертификатига ҳам эга бўлди. У Тошкент шаҳри миқёсида ўтказилган ўқув-тренинг лойиҳа тренери Кенже Кунога бу хилдаги ўқув-тренингни республиканинг ҳар бир вилоятларида ҳам ўтказиш ва сертификат олган тренерларни вилоятларга бириктириш таклифи билан чиқди. Унинг таклифи қўллаб-қувватланди. Гулноза бир ойлик ўқув-тренингни ўтиш учун аҳоли зич жойлашган Фарғона вилоятини танлади. Вилоятда ўзига қисматдош инсонлар билан юзма-юз бўлди. Уларнинг муаммоларини бартараф этишда ёрдам берди.

Гулноза Саидова уй шароитида таянч ҳаракатида ногиронлиги бўлган хотин-қизлар учун қўл меҳнати бўлган бисер қадаш ва тўқиш ўқув курсини ҳам йўлга қўйди. Унинг олиб бораётган ҳар бир ишида, изланишларида турмуш ўртоғи ва ўғли Шоҳжаҳон қўшқанот бўлишди.

У аввал Тошкент шаҳар Меҳрибонлик-ногиронлик жамиятида ташкилий ходим, қарийб уч йилдан буён эса Сирғали туман Ногиронлик жамияти раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Анъанавий байрамларда хайрия тадбирлари ва хайрия дастурхонлари ташкил этиш, ногиронлиги бўлган, айти дамда кам таъминланган оилаларни ҳомийлик ҳисобидан моддий қўллаб-қувватлаш, муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, театр ва концертларга хайрия чипталари уюштириш ишлари Гулноза Саидованинг ўзига ҳам қувонч бағишлайди. Айниқса, йилда бир марта Миллий Академик драма ва Муқимий номидаги мусиқали драма театри актёрлари ва ногиронлиги бўлган шахслар билан учрашув, ҳамда “Дилкаш суҳбат” лойиҳасининг йўлга қўйилгани, маданий ҳордиқ олиш ва маҳаллий туризм саёҳатлари ташкил этилгани кичик жуссали бу аёлнинг улкан қалб ва енгилмас руҳият соҳибаси эканлигидан далолатдир.

Имконияти чекланган бўлишига қарамай оила тебратётган, касб-хунар ўрганиб, бошқаларга ҳам ўргатаётган, иш ўринлари яратаётган, орамиздаги соғлом инсонларга ҳам ибрат бўлаётган Гулнозадек матонатли инсонлар бор бўлсин!

**Марям АҲМЕДОВА,**

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.*



# Чақалоқ

## Ҳикоя

Ҳатто муҳтожларга ёрдам кўрсатиш жамиятидан нафақа олиб келган олижаноб хоним ҳам болани нега бунчалик кўпайтираётганимизни сўради. Ўша куни хотинимнинг кайфияти ёмон эди. Оғзига келган гапни қайтармай сачрай бошлади. Бундай шартакиликдан ранжиган хоним узр сўраб қайтиб кетди. Хотинимга тўғри сўз ҳам ўз ўрнида эътиборли эканини, бировга зарда қилишдан олдин ким билан гаплашаётганини ҳисобга олиш зарурлигини айтиб биров койиган бўлдим. Турмуш ташвишларидан йироқ, ёш ва бўйдоқ юрган кезларимда Рим ҳаётига оид газеталарни кўп ўқирдим. Бу рўзномаларда инсонларнинг ҳаётида юз берган жамики бахтсиз ҳодисалар: ўғирлик, қотиллик, ўз жонига қасд қилиш, майда безориликлар... тўғрисида ёзишарди. Ўша кезларда бундай кўргуликлар бир кун менинг ҳам бошимга тушади, деб сира ўйламаган эдим. Газетларда ёзганидек, “Ҳамдардликка лойиқ вазият” – қачон одам ўта бахтсиз бўлса, бу оламдаги ачиниш туйғусининг шунчасини ўзига чорлайди. Айтиб ўтганимдек, ўша вақтларда ёш эдим, вақти келиб бундай катта оила бошлиғи бўлишимни билмасдим. Энди эса секин-асталик билан энг ҳақиқий “ҳамдардликка лойиқ вазият” юз бераётганига ҳайратим ортиб борапти. Мана, масалан, газетда бундай ёзилади: “Улар энг майда нарсаларга ҳам муҳтож”. Ҳозир мен ана шундай энг арзимас нарсаларга муҳтож ҳолда яшамокдаман. Ёки “Улар шундай уйларда тикилиб яшайдик, бошпанасини уй деб ҳам бўлмайди”. Мен Тормаранчодаги (Рим яқинидаги қашшоқлар истиқомат қиладиган кулбалар) тўшакларнинг орасида оёқ кўйишга жой топилмайдиган, ёмғир чоғида сув худди Рипетта қирғоғидаги каби тошадиган биттагина хонада хотиним ва олти болам билан истиқомат қиламан. Ёхуд бундай ёзишади, айтайлик, “У бечора ҳомиладор эканини билганидан сўнг муҳаббатининг маҳсули бўлган гумонасидан қутулиш мақсадида жиноятга қўл уришга қарор қилди”. Худди шундай: оиламизда яна бир чақалоқ туғилишини билгач эр-хотин маслаҳатлашиб ана шунга жазм этдик. Ҳаво яхши бўлган кун биринчи учраган

одамнинг раҳмдиллигидан умид қилган ҳолда чақалоқни бирорта черковнинг олдига ташлаб кетишни режалаштирдик.

Бахтимиз чопиб ўша жамоат ташкилотининг марҳаматли жаноблари саъй-ҳаракати билан хотиним туғуруқхонага жойлашди. Туғуруқдан уч-тўрт кун ўтиб бир оз ўзига келганидан сўнг унга жавоб беришди ва Тормаранчога қайтди. Хонага кирганидан сўнг унинг биринчи айтган гапи шу бўлди:

– Тўғриси айтсам, туғуруқхона унчалик яхши жой бўлмаса ҳам, шу вайронага қайтиб келмаслик учун ўша ерда абадий қолиб кетишга рози эдим.

Чақалоқ бу гапни худди сўзма-сўз тушунгандек, қулоқни батанг қиладиган овозда ингалаб юборди. Зуваласи пишиқ, чиройли бола, овози шу қадар жарангдорки, сўз билан таърифлаб бўлмайди; агар ярим тунда йиғлашга тушса, бу яқин орада ҳеч кимга уйқу йўқ деяверинг. Май ойи келиб, кунлар илиб қолди. Кўчага пальтосиз ҳам чиқса бўларди. Режамизга биноан, биз Тормаранчодан Римга қараб йўлга тушдик. Хотиним болани худди қорли далада қолдирадигандек, қават-қават латтага ўраб кўксига босиб олган. Шаҳарга етиб келгунимизга қадар гамга ботиб қолган бечора қайғусидан чалғиш учун чақаги тинмай жавраб борар эди. Охири нафас олиши оғирлашиб, кийимлари тўзиб, кўзлари олайиб қолди...

Дастлаб у ҳар хил черковлар ҳақида гапирди, болани қаерда қолдиришни менга тушунтирди, унинг айтишича, чақалоқни шундай жойга қолдириш керакки, у ердан бойлар ўтиб-қайтадиган бўлсин, агар уни ўзимизга ўхшаган камбағал одам топиб оладиган бўлса, яхшиси, бола ўзимизда қолгани маъқул. Кейин чақалоқни Мадонна черкови атрофида қолдиришни хошлаётганини айтди. Айтишларича, Мадоннанинг ҳам ўғли бўлган экан. Мадонна бизни тушунармиш ва ниятимизнинг амалга ошишига ёрдам қилармиш. Бу гаплардан чарчадим ва қалбимда ғазаб учқуни пайдо бўлди. Ахир, унинг мени овутиш учун айтаётган алмойи-алжойи гапларидан менга ҳечам яхши бўлаётгани йўқ эди-да. Аммо мен ўзимни бо-





сиб келардим, чунки жазавага тушмасдан хотинимга хотиржам кўринишим ва унга далда беришим керак эди. Унинг пайдар-пай сўзларини бир лаҳзага бўлса-да, тўхтатиш учун гапини бўлиб:

– Уни авлиё Пётр черковида қолдирсак бўлмайдами? – деб таклиф қилдим.

У бир чайқалиб олди-да, кейин:

– А йўқ, у ер карвонсаройнинг ўзгинаси, уни мутлақо кўрмаслиги ҳам мумкин. Виа Кондоттидаги кичкина черковга уриниб кўриш керак: унинг гир атрофида ҳашаматли дўконлар жуда кўп. Бойлар ўша атрофда юради. Энг яхши жой – ўша, – деди.

Биз автобусга ўтирдик. Одам кўп жойда утинчиди. Фақат болани йўргакка қаттиқ ўради. Дам-бадам йўргакни эҳтиёткорлик билан очиб болага қараб қўяди. Чақалоқ эса қип-қизил юзини ўзи ўралган латта-путгаларга босиб ухлаб ётибди. Унинг кийимлари жуда афтода, фақат ҳаворанг жун матодан тикилган қўлқопчаси оҳорлигина эди, у ана шу қўлқопчасини кўрсатмоқчи бўлгандек йўргакдан қўлчаларини чиқариб олди. Биз Голдони театри олдида тушдик, хотиним яна жаврашни бошлади. Заргарлик дўкони қаршисида тўхтаб кўрғазмадаги қизил духобаларга териб қўйилган қимматбаҳо жавохирларни кўрсатиб, яна телба-тескари гапларини давом эттирди:

– Буни қара, қандай чиройли. Бу кўчадан одамлар фақат қимматбаҳо тақинчоқлар ва чи-

ройли буюмларни харид қилиш учун юради. Бу ерда қашшоқлар бўлмайди. Улар ана шу харидлари орасида черковга ибодат учун кириб чиқади. Бойларнинг кайфияти доим яхши бўлади. Йўргакни кўрганлари ҳамон кўтариб олади.

У болани кўкрагига маҳкам босиб бриллиантларга қараб худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек гапирар, кўзлари эса аллақандай ёввойилик касб этгандики, унга гап қайтаришга журъатим етмасди.

Биз черковга кирдик. У ичкараси сариқ мрамарга ўхшатиб бўялган, асосий меҳроб билан бирга яна бир неча меҳробчалари бор чоғроқкина жой экан. Хотиним бу черковни бошқачароқ тасаввур қилгани, ҳозир эса ибодатхона унга унчалик ёқмаётганини айтди... Кейин чақалоқни кўксига босиб бадгумон нигоҳу норизо қиёфада секинлик билан черковни айланиб чиқди. Гумбаз тепасидаги ойнадан совуқ чарақлаган ёруғлик тушиб турарди. Хотиним эса болани бу ерда қолдириш мумкинми, деган саволга жавоб топмоқ истагида ҳамон черковнинг бўлимидан бўлимига ўтиб, ўриндиқларга, меҳробларга, расмларга назар солиб юрарди. Мен кираверишдан кўз узмай унга бир неча қадам эргашдим. Қип-қизил кийинган, сочлари сариқ, худди тилладек товланадиган баланд бўйли бир хоним ибодатга кирди. Тиззалаб ўтирганда тор юбкаси йиртилиб кетгудек таранглашди, наридан-бери ибодат қилиб, биз томон бир қаради-да черковдан чиқиб кетди. Буни кўрган хотиним:



– Йўқ, бу ер бўлмади. Бу ерга анави хонимга ўхшаган дўконларни айланишга чиққан кишилар кўнгил хушлиги учун бирров кириб чиқади. Кетдик бу ердан, – деди. Шу гап билан у черковдан чиқди. Биз Корсо бўйлаб узоқ юрдик, хотин олдинда, мен ортда ҳаллослаб югурдик деса ҳам бўлаверади. Венеция майдонидан унча узоқ бўлмаган бошқа черковга кирдик. Бу олдингисидан анча катта ва виқорли эди, ҳашамдор зарҳал пардалар тутилган, девордаги ойналар таги ғира-шира ёруғликда товланиб турган алангали кумуш юраклар билан безатилган. Ибодатхона кўринишидан ўзига тўқ одамлар билан тўла эди: шляпа кийган аёллар, башанг кийинган эркаклар шундан далолат берарди. Руҳоний минбарда туриб хутба ўқир, жамоат унга юзланиб тик турарди. Мен ўзимча “Ана қулай вазият, бизни ҳеч ким сезиб қолмайди”, деб ўйладим:

– Шу ерда уриниб кўрамиз, – дея хотинимнинг қулоғига шивирладим.

У бош ирғаб маъқуллади. Биз ён тарафдаги меҳроб томонга ўтдик. Ўша ёқда ҳеч ким йўққа ўхшади, боз устига қоронғу эди, биз бир-биримизни зўрға кўрардик. Хотиним йўргак чети билан боланинг юзини ёпди ва худди қўлига ёпишиб қолган оғир нарсадан қутулмоқчидек уни ўриндиққа ётқизди. Кейин тиззалаб ўтирди ва юзига қўлларини босиб узоқ вақт дуою илтижо қилди. Мен эса нима қилишни билмасдан меҳроб деворига осилган юзлаб катта-кичик алангали кумуш юракларни томоша қилдим. Ниҳоят хотиним ўрнидан турди, мен эса унинг ортидан эргашдим. Қутилмаганда руҳоний:

– Ва Исо деди: “Келажакни кимга қолдиряпсан, эй Ота?” – дея ҳайқирди.

У бу гапни мендан сўраётгандек туюлди. Бу вақтда хотиним чиқаверишдаги эшикнинг пардасини тортаётган эди. Шу дамда:

– Хоним, ўриндиқда тугунингиз қолибди, – деган қақирқдан иккаламиз бирдай сапчиб тушдик. Қарасак, қоп-қора кийиниб гоҳ черковда, гоҳ бошқа ибодатхоналарда ўралашиб юрадиган ғалати қиёфали аёллардан бири.

– Вой, ўлай! – деди хотиним. – Раҳмат сизга, эсим қурсин, сал бўлмаса уни ташлаб кетаёзибман.

Биз йўргакни олиб на тирик, на ўлик ҳолда кўчага чиқдик.

Кўчада хотиним:

– Бечора болажоним, ҳеч ким уни олгиси келмайди, ҳеч кимга унинг кераги йўқ, – дея ўксинди. Бу худди молини яхши нархга сотишни чамалаган, лекин ана шу молига бо-

зорда бирор киши қайрилиб қарамаган савдогарнинг аҳволига ўхшарди.

Яна у ҳарсиллаб, хурпайиб олдинда гизиллаб йўлга тушди, худди уни оёқларнинг ўзи бошқараётгандек эди. Шу юришда Апостол авлиёлари майдонига етдик. Ҳартугул бу ердаги черков ҳали ёпилмаган экан. Ичкарига кирдик. Қарасак, катта, кенг, чироқлар ҳам кўп эмас.

– Ана энг қулай жой, – шивирлади хотиним. Қатъият-ла ён томондаги бўлимлардан бирига ўтдик. Хотиним болани ўриндиққа ётқизиб, гуё оёғининг тагига ўт туташгандек, чўқиниб, ибодат қилиб ўтирмай, ҳатто жигаргўшамизнинг пешонасидан ўпиб ҳам қўймасдан кўчага отилди. У ортига қайрилиб учтўрт қадам босиб улгурмасдан черковни боланинг жарангдор йиғиси тутди. Эмадиган вақти бўлган эди, чақалоқ ҳар доимги вақтни билиб очликдан чинқирганди. Хотиним бу йиғидан ўзини йўқотди. Эшикка қараб югурди-да, кейин яна ортга чопди, у бу пайтда қаерда эканини ҳам унутиб қўйди, ўриндиққа ўтирди-ю болани бағрига босди.

– Худонинг уйида шу ишни қиласанларми? Тур ўрнингдан, йўқол чиқ, кўчага, чиқ! – деган ваҳимали дағдаға эшитилди. Бақирган одам соқоли кўксига тушган жиккак чол, пономар (православ черковида паст унвонли руҳоний) эди, унинг овози жуссасига қараганда анча ҳайбатли эди. Хотиним ўрнидан турди, боланинг бошини кўкрагига пана қилиб:

– Ахир картинадаги Мадонна ҳам...

У бўлса:

– Сен ҳали ўзингни Мадонна билан тенглаштирадиган бўлдингми, уятсиз! – дея баттар жазавага тушди. Хуллас, биз черковдан ҳайдалиб Венеция майдонидаги хиёбонга келиб ўтирдик. Нафси ором олган чақалоқ яна ухлаб қолди.

Бу вақтда кеч бўлиб, қоронғу тушди. Черковлар ёпилди, биз эса чарчоқнинг зўридан тинкамиз қуриб ўтирибмиз, каллага бирор фикр келмайди. Бундай самарасиз юришлардан сўнг хаёлимга: биз бу ишга жуда катта куч сарфляяпмиз, балки бу ишни бошламаган тукмиди, деган фикр келди.

– Менга қара, кун кеч бўлди, тезроқ ҳал қилишимиз керак, бошқа юришга мадорим йўқ менинг, – деб хотинга зарда қилдим.

– Бу сенинг ўғлинг, сенинг қонинг. Нима қилмоқчисан уни? Худди кераксиз нарсага ўхшатиб бир бурчакка ташлаб кетмоқчимисан? Дайди мушукларга ем бўлади-ку!

– Йўқ, аммо бундай ишларни кўп ўйлашиб юрмай тез бажариш керак ёки умуман қилмаслик керак.



– Сен уни уйга олиб қайтамиз, деб қолишимдан кўрқяпсан. Сиз ҳаммангиз, эркаклар, кўрқоксиз!

Ҳозир у билан баҳслашиш бефойда эканини сезиб, мураса йўлини тутдим:

– Сени тушуниб турибман, хавотирланма, аммо сен ҳам тушунгин, ҳар қандай ша роитда ҳам болага Тормаранчодаги қишда қуртлар, ёзда чивинлар талаб чиқадиган ташландиқ, ҳатто ошхонаси ҳам йўқ бошпанамиздагидан яхши бўлади.

Бу сафар у ҳеч нарса деб гап қайтармади. Биз Виа Националдаги Нерон минораси олдидан қаёққа бораётганимизни ўзимиз ҳам билмай кетавердик. Минора ортида, унча узоқ бўлмаган жойда бир кичкина кўча бор экан, одамлар ҳам йўқ. Йўлақлардан бирининг олдида бўш турган, эшиклари берк кулранг машинага кўзим тушди. Нима қилишни дарров фаҳмладим. Машинага яқинлашиб эшигини тортгандим – очилди.

– Тез бўл, мана қулай фурсат, уни орқа ўриндиққа ётқиз, – дедим хотинга.

У айтишим билан дарҳол болани орқа ўриндиққа қўйди ва мен ўша заҳоти эшикни ёпдим. Биз бу ишни шунчалик тез бажардикки, ҳатто машинага яқинлашганимизни ҳам ҳеч ким сезмади; кейин мен унинг қўлидан тутдим ва биз Квиринал (Квиринал майдони жойлашган ҳудуд – бурунги қироллик саройи ўрни) майдони бўйлаб чопиб кетдик.

Майдон бўш ва қоронғу эди. Фақат саройда бир нечта ёриткичлар милтираб турибди, панжара ортида эса тунги Рим чироқлари шуъла сочмоқда. Хотиним ёдгорлик ёнидаги фавворага яқинлашди, ўша ердаги скамейкага ўтирди, менга юз ўгириб букчайиб олди-да, тўлиқиб йиғлади.

– Энди нега йиғлаяпсан? – дедим.

– Хуллас, ундан қутулдик, уни ўша ерда қолдирганим заҳоти юрагим бўм-бўш бўлиб қолди. У ётганда кўксимни тўлдириб турарди, ана шу еримга у етмаяпти.

– Шундай бўлади-да ўзи, ҳадемай ўтиб кетади.

У елкасини қисди-да, йиғлашда давом этди. Қутилмаганда худди кўприк устига ёққан ёмғирни шамол бир зумда қуришиб кетгандек, кўз ёши тўхтади. Жойидан сакраб туриб кўрсаткич бармоғи билан саройга ишора қилиб:

– Энди ўша ёққа бораман, қиролнинг олдида кириб ҳаммасини айтиб бераман! – дея шахдланди.

– Тўхта! – дея бақириб унинг қўлидан тортдим. – Сенга нима бўлди, эсингни единг-

ми? Қиролнинг қачонлар йўқ бўлиб кетганини билмайсанми?

– Менга барибир. Қиролнинг ўрнида ким ўтирган бўлса ўшанга айтаман. Ахир кимдир бордир у ёқда!

Шу гап билан у йўлакка отилди. Фарёд кўтармаганимда у бир можарони бошлаши аниқ эди.

– Менга қара, мен ўйлаб кўрдим. Қайтиб бориб болани мошиндан оламиз. Бола ўзимизда қолади. Битта оз, битта кўп – барибир эмасми!

Бу фикр, тахминимча, доим унинг хаёлида юрган ва қиролга шикоятини эса шунчаки ўйлаб топган.

– Ҳа, уни ҳали олиб кетиб қолишмадимикан? – дея кулранг машина турган кўчага қараб югурди.

– Йўқ, – дедим, – ҳали беш дақиқа ҳам ўтмади-ку.

Ҳақиқатдан, машина жойида турган эди. Бироқ хотиним машинанинг эшигини очган чоқ йўлақдан ўрта ёшлардаги паст бўйли, рангпар юзли бир эркак югуриб чиқди:

– Тўхта! Тўхта! Сенга нима керак менинг мошинимда?

– Мен ўзимнинг нарсамни олмоқчиман, – хотиним унга эътибор қилмасдан болани олиш учун ўриндиққа энгашди.

– Нима оляпсан ундан? Бу менинг машинам, тушундингми? Меники! – деди газабга минган ўша одам.

Ўша дамда хотиним унга юзланиб шунақанги ташланиб кетдики:

– Ким сенинг нимангни оляпти? Қўрқма, ҳеч нарсанг керакмас, тупурдим сенинг мошинингга. Мана, қара, – деди-да, мошиннинг эшигига ростакамига туфлаб юборди.

– Манави... тугун? – довдираб сўради у.

– Бу тугун эмас. Бу менинг ўғлим... Кўрдингми! – У боланинг юзини очиб, унга кўрсатди-да, яна давом этди. – Сен билан хотининг бундай чиройли болани ҳеч қачон дунёга келтира олмайсан, қайта туғилсанглар ҳам. Мени тўхтатаман деб овора бўлма, дод солиб полиция чақираман-да, боламни тортиб оляпти дейман.

Хотиним унга шундай гапларни айтдики, бечоранинг дами ичига тушиб кетди, қутилмаган зарбага учрагани боис юзи бўзарганча бакрайиб қолди.

Нихоят, хотинимнинг жағи тиниб, чорраҳага етганимда йўргалаб ортимдан етиб олди.

Русчадан

**Дамин ЖУМАҚУЛ** таржимаси



# Ҳомиладорликнинг

## тўрт, беш, олтинчи ойлари



Ҳомиладорликнинг 13-ҳафтасидан бошлаб йўлдош чақалоқ учун асосий озиқланиш манбаи бўлиб қолади. Бир томондан у бачадонга, иккинчидан, ҳомилага киндик тизимчаси ёрдамида бирикади. Киндик тизимчаси йўлдош орқали онанинг қонидан болага озуқа моддаларини етказиб беради ва, шунингдек, чиқиндиларнинг ҳам чиқиб кетишини таъминлайди.

Йўлдош болани кўплаб хавф-хатарлардан ҳимоя қиладиган филтёр бўлиб хизмат қилади. Аммо соғлиқ учун зарарли бўлган баъзи моддалар ушбу тўсиқдан ўтиши ҳам мумкин. Йўлдош бактериялар, вируслар, гиёҳванд моддалар ва никотин тутунини тўса олмайди. Шунинг учун бу даврда ҳомиладор аёлларимиз турли шамоллаш касалликларидан ўзларини, иложи бори-ча ҳимоя қилишлари зарур бўлади. Чунки бу ойда ҳомиланинг қош ва кирпиклари ўсишни бошлайди. Кўзлар ва қулоқлар ривожланишда давом этади ва ҳомила товуш ва ёруғликни ҳис қила бошлайди. Оила аъзолари ҳам соғлом турмуш тарзига риоя қилган ҳолда турли зарарли одатларини (агар кимда шу одат кузатилса) ташласалар, бўлажак фарзандларига яқиндан ёрдам бериб қолмай, балки, ўзларининг ҳам умрларига умр қўшган бўлишади.

Ушбу даврнинг бошида ҳомила оёқ-қўлларини ва бошини ўзи ҳаракатга келтириши мумкин, бу ҳолатни бўлажак она ҳали ҳис қила олмайди. У биринчи ҳо-

миладорликда ҳомила 16 ҳафталик бўлганида илк ҳаракатларни сеза бошлайди. Бу даврда ҳомиланинг юзи, кўзи, бурун, оғиз ва қулоқлари шакллана бошлайди. Бутун танаси “лануго” деб номланган юмшоқ момиқ тукчалар билан қопланади. Кичкинтойнинг соч фолликулалари хужайралари 15-ҳафтадан ривожлана бошлайди. 4-чи ойнинг охирида ҳомиланинг узунлиги 16 сантиметр, вазни эса 100 грамм атрофида бўлади. Қулоқлар ва жинсий аъзолар ривожланади. Ҳомила нафас олишга ва ютинишга ҳаракат қилади. Оёқчалари билан итаради, оёқ бармоқлари ва қўлларини ҳаракатга келтиради, бошини айлантиради. Бироқ она ҳали бу енгил ҳаракатларни сезмайди.

Биринчи ултратовуш текшируви айнан шу ойлاردан бошланади ва бу текширув жуда муҳим ҳисобланади. Ҳомиладор аёл камида уч марта ултратовуш текширувдан ўтиши керак. Биринчи текширув ўн икки ва ўн тўрт ҳафталиклар оралиғида, иккинчиси эса йигирма ва ўттиз ҳафталиклар оралиғида ўтказилиши керак. Чунки айнан шу даврда ҳомиланинг оғир нуқсонлари аниқланиши мумкин. Баъзида ҳомиладор аёлларнинг ўзлари, баъзида қайноналаримиз бу текширувларни рад этадилар. “Худонинг берган неъматини, уни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш керак. Биз Оллоҳнинг ишларига аралаша олмаймиз”, дейишади. Баъзилар эса туғилажак гўдакнинг фақат жинсини аниқлаш учун текширувга боришади. Ас-



лида бугунги тиббиёт жуда ривожланган даврда бу нуқтаи назарлар у қадар тўғри эмас. Ўтказиладиган текширувлар асосан ҳомила бенуқсонми ёки у бирорта камлик билан дунёга келаяптими шу ҳақиқатни очиқ-ойдин кўрсатиш учундир. Агар бирор етишмовчилик аниқланса, дунёга келгач, муолажа билан тузалишига ишонч бўлса, тиббиёт онани ҳомиладан жудо қилиш тарафдори эмас. Соғлом бўлса, нур устига аёло нур. Аммо бир умр ўзи ҳам, ота-она ҳам азобда ўтадиган дарди бўлса, яъни ногиронликнинг оғир тури кузатилса, (шунда ҳам ота-она розилиги билан) ҳомиладан воз кечиш тавсия этилади. Ушбу ҳафталар давомида ҳомила ҳаракатининг дастлабки белгилари кўпроқ тебранишга ўхшайди. Вақт ўтиши билан унинг титраши ва енгил зарбларини бўлажак оналаримиз сезиши мумкин. Доимий тишларнинг рудиментлари шакллана бошлайди, улар сут тишларининг орқасида жойлашади. Боланинг танаси мой билан қоплана бошлайди. 20 ҳафталик бўлганда ҳомиланинг узунлиги 15 сантиметр га етади. Ой охирида боланинг узунлиги 25-27 сантиметргача, вазни эса 250-300 граммгача ошади. Ҳомилада қон айланиш тизими ривожлана бошлайди ва унинг юраги катталарникига қараганда икки баравар тез уради.

Бачадоннинг тез ўсиши билан ҳомиладор аёллар тўлиша борадилар. Ой-куни яқинлашган аёл ўзини энди руҳан тетик ҳис қилади. Кўпларда бошқоронғилик ўтиб, овқатга киради. Бир неча ой давомида кўзи кўриб турган таомни ея олмагани учун баъзи аёллар ўзларини қўйиб юборишади. Барибир улар икки жон ҳаёти билан яшаётганларини ҳамиша эсда тутиши, бола организми учун керакли бўлган озуқаларни кўпроқ истеъмол қилиши керак бўлади. Дармондориларга бой, таркибида табиий моддалар кўп бўлган таомлар, мева-сабзавотларни истеъмол қилсалар, ўзи ва фарзандининг саломатлигини таъминлаган бўладилар.

*Ҳомиланинг вазни 400 дан 600 граммгача, узунлиги тахминан 30 сантиметргача ошган вақтда унинг юрак уриши эшитилади.*

*Она фарзандининг соғлом, ақлли, босиқ, қувноқ бўлиши ҳақида кўпроқ ўйлаши ва бунга ишониши керак.*

Халқимизда “Бўлажак онага Яратган эгам куч беради” деган гап бор. Бу ҳақ гап. Ҳомилади аёлларнинг юрак ва ўпкалари ҳомиладорликдан олдинги ҳолатдан эллик фоиз кўпроқ ишлайди.

Ҳомиланинг вазни 400 дан 600 граммгача, узунлиги тахминан 30 сантиметргача ошган вақтда унинг юрак уриши эшитилади. У эмишга ҳаракат қилади, бош бармоғи кўпинча оғзига тушади. Ультратовуш текширувида 18 ҳафталик ҳомила бош бармоғини кўпинча оғзига солади. Қўллар, сочлар ўсади. Ҳимоя қобиғи терига айлана бошлайди. Ҳомила кўпинча ухлайди, лекин у кучли ташқи овоздан уйғониши мумкин.

Шунинг учун донишманд ота-оналар уйларида ой юзини доғ босган, юриш-туриши оғирлашиб бораётган келинлари бўлса: “Ҳай, овозингизни кўтарманг, одамни чўчитадиган даражада бехос шовқин кўтарманг!” – дея танбех бериб туришади. Кексаларнинг гапларида жон бор. Бу даврда бўлажак оналар даҳшатли, ур-сур фильмлар, сериалларни томоша қилмасликлари маъқул. Овоз кучайтиргичлар сурон солиб турган давралардан ўзларини ҳимояласалар, табиатнинг чиройли гўшаларида сайр қилсалар, тинч-хотиржам, руҳий ҳаёт кечирсалар, буларнинг ҳаммаси эрта-индин она-бола ҳаётида ҳам осойишталик бўлиб акс этади.

– Ҳаракатларинг чаққон бўлса, кўзинг осон ёрийди, – деган маслаҳатни барча она эшитган. Ҳаракат яхши. Лекин у узлуксиз оғир меҳнатга, зўриқишга айланмаслиги керак. Аёл ҳам жисмонан, ҳам руҳан дам олиши, бу олтинга тенг вақтни заҳматга ёки ҳаддан зиёд бўшашиш, ўта уйқучанлик, кўп ейишга сарф қилмаслиги керак. Она фарзандининг соғлом, ақлли, босиқ, қувноқ бўлиши ҳақида кўпроқ ўйлаши ва бунга ишониши керак. Бир сўз билан айтганда, ҳомиладорликнинг барча ойлари каби 4-, 5-, 6-ойига масъуллик ҳам она ва унинг яқинлари зиммасида эканлигини ҳамиша ёдда сақлашимиз керак.

(Давоми бор)

**Дилфуза ТУРДИЕВА,**  
ТошПМИ 1-госпитал педиатрия  
кафедраси доценти  
олий тоифали неонатолог.



# МЕХР ТЎЛА

## МУНАВВАР ДУНЁМ

**Жамила Эргашева ҳақида бир дунё маълумот тўпладим: “Кўп йиллар “Сурхон тонги” газетасида ишлаган, ҳозир “Аёл ва замон” газетасининг бош муҳаррири, “Атиргул” кўрик-танловининг ғолиби бўлди”, “Жуда ғайратли аёл, биттагина ўғли бор, ўзи машина ҳайдаб юради”, “Жуда олижаноб аёл, эшигига ким борса, жонини пойандоз қилади”...**

Икки йилдан ошдики, ҳаётимнинг ҳар бир куниси устозимни қўмсайман. У кишининг нурли чеҳраси, суҳбатлари ва ўғитларисиз дунём ҳувиллаб қолгандек гўё.

...Беихтиёр суратига боқаман. Худди тирикдек боқиб туради:

Кўзларида меҳр, юзларида ўша иссиқ зиё.

Қулоғимга овози эшитилгандек бўлади:

“Нортўрабой...”

Юрагим ҳаққириб кетади. Томоғимга аччиқ ёш тикилади.

Устозимни она десам, худди камдай, “Онажон”, “Ҳожи онажон” дердим. “Жон”ни қўшиб айтмасам кўнглим тўлмасди.

Мен Оллоҳга беҳисоб шукур айтаман. Ҳаётимда шу инсонга дуч келган куним учун. Бу кун бутун умримга қуёшдек нур сочиб турибди.

Ҳаёлимда ўша кун, ўша хотиралар жонланаверади...

...Тақдир тақозоси билан сўз ва оҳанг сеҳрини жуда эрта англаган эканман. Онам вафот этганларида ҳали бешикдаги гўдак бўлганман. Момомнинг айтишларига қараганда, ҳеч нарса билан юпанмайдиган камина фақат алла айтсаларгина ухлар эканман. Тилим чиққач, эртақ сўрайдиган бўлдим, то мактабга бориб, ўзим китоб ўқийдиган бўлгунимча, момогинам ҳар оқшом эртақ айтардилар. Кейин ўзим ўқий оладиган бўлдим-у, сўз салтанатига бошим билан шўнғиб кетдим. Бу салтанатда ҳадеб она меҳрини қўмсайверадиган ўксик кўнглим ўз изтиробларини унутиб, ўзга бир дунёга кириб қолгандек бўларди. Устоз Жамила Эргашевани ҳам дастлаб шу салтанатда топганман. Отаси почтада ишлай-

диган бир ўртоғим бўларди. У билан бирга ишхонасига бориб, бўёқ ҳиди анқиб турган бир дунё газета-журналларни кўриб, хазина топган девонадек ақлим шошиб қолган эди. Ҳалиги киши қайтариб олиб келиб бериш шарти билан қалин-қалин журналларни уйга ҳам бериб юбораварди. Бир сафар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасидан “Узилган ришта” деган ҳикояни ўқиётган эдим, дўстимнинг отаси қўлимдаги газетага бир қараб, “Жамила опанинг ҳикоясини ўқияпсанми? Бу аёл ўзимиздан, Термизда ишлайди”, деди. Ҳикоя менга жуда ёқди, шу-шу Жамила опанинг ёзганларини излаб топиб ўқийдиган бўлдим. Менинг тасаввуримда ёзадиган одамлар жуда олисларда, жуда бошқача бўлиши керакдек эди. “Жамила Эргашева эса биздан бор-йўғи 50 чақирим нарида яшар ва ишлар экан, у кишини ҳамқишлоқларим ҳам танир экан. Қизиқ... Мен ҳам бориб, танишсам-микин?” деб ўйлайверадиган бўлиб қолдим.

Аммо бу ишга жазм қилиш учун менга кўп йиллар керак бўлди... Бу орада ўрта мактабни битирдим, ўзим ҳам шеър, ҳикоя машқ қила бошладим ва Жамила Эргашева ҳақида бир дунё маълумот тўпладим: “Кўп йиллар “Сурхон тонги” газетасида ишлаган, ҳозир “Аёл ва замон” газетасининг бош муҳаррири, “Атиргул” кўрик-танловининг ғолиби бўлди”, “Жуда ғайратли аёл, биттагина ўғли бор, ўзи машина ҳайдаб юради”, “Жуда олижаноб аёл, эшигига ким борса, жонини пойандоз қилади”...

Биринчи марта ўзимча шеър, ҳикоя деб ёзганларимни қўлтиқлаб, “Аёл ва замон” газетаси муҳарририятининг эшигини ийманибгина очганим сира эсимдан чиқмайди. Юзида меҳр фаришталари кулиб турган салобатли бир аёл мени катта эътибор билан кутиб олган, кадрдонлардек сўрашиб, “Олислдан келибсиз, харажат тортиб қолмадингизми?”, деб сўраган эди. Машқларимни ўқиб чиққач, “Зўр қаламингиз бор экан”, деб чин дилдан мактаб, навбатдаги сонларга чоп этти-



ришга ваъда бериб, мени остонагача кузатиб қўйди ва “Кўринмай кетманг, келиб туринг. Кўп-кўп ёзинг”, деб тайинлаб қолди.

Шу куни ишонсангиз, у зотнинг хузуридан елкаларимга қанот битгандек, дунё топгандек, гўё бирданига катта шоир-ёзувчига айланиб қолгандек бўлиб чиқдим! Мен ким эдим? Излаганим нима эди? Ҳали бешигидан айрилмай туриб, онасидан айрилган ўксик кўнгилнинг бу инсондан, бу даргоҳдан топгани меҳрими?..

Шу кундан бошлаб мен “Аёл ва замон” газетасидан узила олмай қолдим. Ҳаётимда янги саҳифалар очила бошлади. Устоз мени мухбир вазифасига ишга олди. Мен бу даргоҳда ўн беш йил ишлаб, раҳбар-ходим деган айрича муносабатларни кўрмадим, жамоа бир оиладек эди. Мен ҳам она бағрига келгандек ҳис қилдим ўзимни.

Устоз деганлари, менинг назаримда, ўзидаги бор эзгуликларни – у меҳрми, инсонийликми, билимми, хуллас, шу ҳаётдан нимаики фазилатни ўз қалбига кўчира олган бўлса, ҳаммасини шогирдига илинади, юқтиришга ҳаракат қилади. Ана шундай устозни топа олган ва у илинган муждаларни ўз қалбига кўчира олган шогирд чиндан бахтиёрдир. Устоз билан бирга ишлаган 18 йиллик фаолиятим умримнинг олтин дамлари ҳисобланади. У киши нафақага чиққанларидан кейин ўйлаб қарасам, ҳар сафар ишга опани соғиниб, опани кўриш учун, суҳбатларидан баҳраманд бўлиш учун бориб юргандекман. Лекин суҳбатларимиз қанчалар дилкаш, мароқли бўлса, иш ҳам шунча астойдил қилинар эди. Опанинг ўзи ҳар қандай ишга сира шунчаки уринмаган, ҳеч қачон шунчаки ёзмаган, ҳатто у оддийгина бир хабарча ёки эълон бўлса ҳам. Ўзи шоир бўлмаса ҳам оддий мақолаларни-да кўшиқдек қилиб ёзар эди. Сўнг завқ билан бизга ўқиб берарди. Бизнинг ҳам бирон материални шунчаки ёзишимизни хуш кўрмас эди. Ўзи қилган ишидан ўзи завқланмоқни, ишга шунчаки муносабатда бўлмасликни опадан ўргандим.

Узоқ йиллар бирга ишлаб, опанинг на одам, на иш ажратганини кўрмадим. “Мен муҳаррирман, менга ҳамма ўқиб чиққан тоза саҳифани олиб келинг”, деб ўтирмасди.

Мусаҳҳиҳликни ҳам, навбатчи ходимликни ҳам, муҳаррирликни ҳам ўзи қилиб кетаверарди. Ҳар бир саҳифани қайта-қайта ўқиб чиқар эди. Опа кўп йиллар вилоят газетасида бўлим мудир, етакчи публицист бўлиб ишлаган, бир умр сўз танлаб, бадиий ижод билан шуғулланиб юрган одамнинг публицистикасидаги сеҳрли оҳанг, кўтарилган муаммолар, уларнинг ечими, шубҳасиз, мухлислари сонини оширган. Устознинг қўлларида мустабид тузумнинг хўрликларига чидай олмай, суд, прокуратура, турли идоралар остонасида сарсон-саргардон бўлган одамларнинг “Бор умидимиз сиздан, Жамила опа! Бизга ёрдам беринг”, деб вилоятнинг турли бурчакларидан шахсан у кишининг номига ёзилган бир дунё хатлар сақланиб қолган. Опа баъзан кулиб-кулиб, “Ярим умрим сафарларда ўтди. Сурхондарёнинг мен бормаган бирон қишлоғи, мен кирмаган бирон маҳалласи қолмади”, дер эди.

Ҳақиқатан ҳам, баъзи ҳамкасбларимизга ўхшаб, телефонда иш битириб қўя қолишни ёқтирмасди. Шикоят хати бўладими, замондошларимиз ҳақида бирон мақола ёзиш керакми ёки обуна масаласими, жойларга чиқиб, одамлар билан юзма-юз ҳолда ҳал қилишни яхши кўрарди. Бирга ишлаб юрган кезларим жуда кўп сафарларида ҳамроҳ бўлганман. Устоз содда ва самимий, мард ва танти одамла-



римиз билан суҳбатлашганда, кўзлари ёниб турган ёшларимиз билан учрашганда, бепоён далаларга, мустақиллик йилларида қад ростлаган пурвиқор биноларга қараганда ғурурлар, тўлқинланиб кетарди. Сафардан қайтганимиздан кейин неча кунлар бир бошқача завқшавқ, ғурур билан юрар, эшикдан кирган кишига кўрганлари ҳақида ҳикоя қилиб берар, кейин шу кайфият билан Ватан ҳақида, ватандошлар ҳақида тўлиб-тошиб мақолалар ёзарди. “Ҳеч ким сени севолмайди менингдек”, “Ватан туғин юракка қада”, “Юртга хизмат қилиш олий саодат” каби ўнлаб мақолалар бирга борган сафарларимиз таъсирида ёзилган. Ватанга, онага, табиатга муҳаббат, оилани мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбиясидаги қадим анъаналар “Аёл ва замон”нинг асосий мавзулари эди. Устознинг ташаббуси билан юртнинг кўплаб таниқли кишилари “Она ҳақида сўз” рукни остида ўз онаси ҳақида жуда ибратли мақолалар ёзди. Ҳар ойда бериб бориладиган “Табиат ва биз” номли саҳифамиз республика миқёсида катта эътирофларга сазовор бўлди.

Жамила опа 2010 йили кутилмаган фалокат туфайли қўлтиқтаёққа суяниб қолди. Хасталик сабаб шошилишч тиббий ёрдам бўлимида даволаниб ётиб, телефонда айтиб




туриб газетага материаллар ёздирганлари, биз ўқиб бераётган саҳифаларнинг нуқта, вергуллариғача тўғрилаб берганлари ёдимга тушади. Опа қўлтиқтаёқда юриб ҳам севимли газетасини, яхши кўрган касбини, қадрдон жамоани ташлаб кета олмади. Бўлмаса, аллақачон нафақа ёшига етган, бинойидек қалами бор, уйда ўтириб ҳам ижодини давом эттираверса бўлар эди. Йўқ, устоз ишлади, ишлаганда мардларча, аввалгидек ҳар бир ишни қиёмига етказиб ишлади, ижодий сафарларга чикди, учрашувлар ўтказди, чиройли мақолалар, ҳикоялар, қиссалар, ҳатто, роман ёзди. 2011 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” деган шарафли унвонга сазовор бўлди. 2012 йили “Қир устидаги аёл” номли романи “Энг улуг, энг азиз” кўрик-танловида голиб бўлди.

Бир куни устоз “Болаларим, журналистлар жамоасига раҳбар бўлган инсон энг аввало соғ-саломат бўлмоғи керак. Бугунги ҳолатимда сизларга фойдам тегиши қийин”, дедилар. Опа нафақага кетсалар-да, беқиёс меҳри, беғараз маслаҳатлари билан ҳамиша шогирдлар даврасида эди. Мен у киши билан бирга газетада ишлаб, ўтган йиллар давомида қанча ёру дўстлар орттирдим. Мени ўзларига устоз ҳисоблаб, ҳурмат кўрсатувчилар ҳам талайгина. Ҳамиша атрофим хайрихоҳ одамлар билан гавжум, лекин устознинг ўрни бўлакча.

У киши ишдан кетганларидан кейин ҳам анча вақтгача хоналари эшигидаги “Бош муҳаррир Жамила Эргашева” деган ёзувни олиб ташлай олмай юрдик. Жамила опа “Аёл ва замон” газетасини ўзлари ташкил қилиб, унга ўн саккиз йил раҳбарлик қилган инсон эди. Баъзан газета ташкил этилган пайтлари ҳақида гурунг бериб: “Газетани рўйхатга киритдик, озми-кўпми тарғибот қилдик, асосийси 16 саҳифали қилиб биринчи сонни тайёрлаб қўйдик, аммо ғалвир сувдан кўтарилгандан сўнг қарасак, газетамизга бор-йўғи 13 киши обуна бўлибди. Ўша пайтлар анча-мунча ғайратли эканман. 1000 та газета чоп эттириб, 13 тасини обуначиларга жўнатиб, қолган газетанинг ярмини газета дўконларига сотиш учун, ярмини дуч келган ўқирман одамга совға тарзида тарқатдик. Совға қилинган газеталар эса озми-кўпми обуначиларимиз сонини оширди”, дер эдилар жилмайиб.

Ҳар он, ҳар сонияда, қўлга қалам олган дамларимда ҳам, бошлаган асаримга сўнгги нуқтани қўйган чоғимда ҳам устоз ёдга тушади. Ёзганларим ҳақида у кишининг фикрларини эшитгим келарди. Энди мақтовларини қўмсайман. Сўхбатларини соғиниб, кўнғироқ қилсам, “Бугун ҳаво бошқачароқ, қалинроқ кийинган-мидингиз?” ёки “Бирон масалада сиқилиброқ турибсизми дейман, нима бўлди, машқингиз сушт?” дея худди онадай меҳр кўрсатарди. На-

## Ҳамиша атрофим хайрихоҳ одамлар билан гавжум, лекин устознинг ўрни бўлакча.



фас олишимдан кайфиятимни билиб оларди, безовталигимни сезарди, қувончим ҳам дарров қалбига кўчарди. Ҳар сафар у кишига кўнғироқ қилишга чоғланар эканман, кўнглимга ҳарорат ёғилгандек бўларди...

Ўлим ҳақ. Устоз қизгин ижод устида 2018 йилда 62 ёшида вафот этди. Битикларининг бирида шундай фикрлар бор: “Сенинг оқибатлигинг – толе чўққисидаги сўнгги зина эмас, юз ҳисса қилиб қайтаришим керак бўлган қарз...”

Жамила Эргашева воҳанинг чекка бир туманида, лекин бутун Ўзбекистоннинг, адабиётнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб, камтар-камсукумгина умр кечирди. Ҳаётни севиб, ҳар лаҳзанинг қадрига етиб, ўзини эл-юрт, одамлар олдида инсонийликдан, меҳр-оқибатдан қарздор билиб, қўлидан келганча, қалами етганча одамларнинг мушқулини осон қилишга интилиб яшади. Хасталик олдида, машаққатлар олдида ҳеч қачон чекинмади. Инсон деган номни шарафлаб ўтди. Севимли адибинг, устозингнинг нафақат асарлари, балки умри ҳам инсонийлик, меҳр-оқибат, матонат кўшиғига айланганига гувоҳ бўлиш, унинг эзгу фазилатларига ўзингни шогирд ҳисоблашингнинг ўзи ҳам бу ҳаётда улкан бир бахт экан.

Беҳисоб шукур.

**Норғўра ЭРГАШЕВ,**  
Сурхондарё вилояти



# Байрам дастурхонингиз учун

## “Севимли оливье” салати

Янги йилга янгича усудда тайёрланг!

**Зарур масаллиқлар:** 200 грамм қайнатилган мол гўшти, 6 дона тузланган бодринг, 5 дона қайнатилган тухум, бир бош пиёз ва қайнатилган картошка, 2 ош қошиқ консерваланган кўк нўхат, ун, ўсимлик ёғи, майонез, шивит, туз.


**Тайёрланиши:** Қайнатилган мол гўшти бўлақларини ликопчага айлана шаклида териб чиқинг. Пиёзни юпқа қилиб ҳалқа шаклида тўгранг. Ун сепиб, қиздирилган ўсимлик ёғида қовуриб олинг. Қайнатилган картошка, тузланган бодринг ва 2 дона қайнатилган

тухумни тўртбурчак шаклда майдалаб тўгранг.

Шивитни майдаланг. Масаллиқларни аралаштириб, консерваланган кўк нўхат қўшинг. Туз сепиб, майонез солиб аралаштиринг.

Мол гўшти

устидан салатни чиройли қилиб солиб, атрофини қолган тухумлар билан безаб чиқинг.




## “Атиргул” салати

Қишда ҳам баҳорий кайфият

**Зарур масаллиқлар:** 400 грамм қайнатилган ёғсиз гўшт, 250 грамм консерваланган кўзиқорин, бир дона қизил булғор қалампири, кўк пиёз, зайтун меваси (данаксиз). **Қайла учун:** бир стакандан камроқ сметана, 2 ош қошиқ лимон шарбати, майдаланган қалампир, туз.

**Тайёрланиши:** Гўшт ва кўзиқоринни сомонча шаклида юпқа кесиб, булғор қалампирни ҳамда кўк пиёзни майдалаб тўгранг. Кейин масаллиқларни аралаштиринг.

Сметанага туз, майдаланган қалампир ва лимон шарбати солинг. Қайлани салатга қўшиб, яхшилаб аралаштиринг. Салатни зайтун меваси ва тузланган кўзиқорин билан безатинг.



## Ажойиб егулик

Бақлажон ва гўшти «дуэт»

**Зарур масаллиқлар** (4 кишилик): 800 грамм гўшт, 100 грамм пишлок, 2 та бақлажон, бир бош пиёз, 6 ош қошиқ ўсимлик ёғи, туз, қора мурч.

**Тайёрланиши:** 1. Бақлажонни бир сантиметрлик қалинликда айлана шаклда кесинг. Туз солинган сувга 20 дақиқага солиб қўйинг. Кейин сувини яхшилаб силқитиб, 3 ош қошиқ қиздирилган ўсимлик ёғида қовуриб олинг.

Пиёзни ҳалқа симон шаклда гўштни каттароқ қилиб тўгранг.

Қолган ўсимлик ёғини қиздириб, гўштни қовуринг. Кейин қопқоғини зичланг, 10 дақиқа паст оловда қолдириг.

Пишлоқни қирғичдан ўтказинг. Бақлажоннинг устига гўшт бўлақларини қўйиб, туз, мурч сепинг-да, пишлок қириндисини ҳам солинг. 170 даражада қиздирилган газ печига 15 дақиқага қўйиб олинг.




## “Ананас” салати

Чаққон келинчақлар учун

**Зарур масаллиқлар** (5-6 кишилик): 200 грамм қайнатилган товуқ гўшти, 4 та картошка, 2 та қайнатилган тухум сариғи, бир бош пиёз, бир ош қошиқ сметана, ўсимлик ёғи. **Безак учун:** 150 сариёғ, 6 та кўк пиёз, 2 та қайнатилган тухум оқи, бир дона қайнатилган сабзи.

**Тайёрланиши:** Картошкани қайнатиб, тоза-лаб, эзинг. Пиёзни тўрт бўлакка бўлинг. Тухум сариғи, қайнатилган товуқ гўшти ва пиёзни гўштқий-малагичдан ўтказинг. Картошкали бўтқага қўшинг ва сметана солиб, аралаштиринг. Қўлингизга ўсимлик ёғи суртиб, ликопчага аралашмани солинг-да, ананас шаклини ясанг.

Сариёғни кондитер қопчасига солиб, ананас атрофини кичкина гулчалар билан безаб чиқинг. Сабзини майдалаб тўграб, сариёғли гулларга ёпиштиринг. Ўртасига эса кўк пиёз баргини солиб қўйинг. Атрофини тухум оқи бўлақлари, сабзи ва шивит билан безатинг.





# САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий, безакли журнали

1925 йилдан чиқа бошлаган

10-сон (914) 2020 йил

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги

БОШ МУҲАРРИР:  
Мунаввара УСМОНОВА

“САОДАТ” КЕНГАШИ:

Танзила НАРБАЕВА

Гулнора МАЪРУФОВА

Муҳаббат ШАРОПОВА

Саодат БОЙМИРЗАЕВА

Ойдин ҲОЖИЕВА

Энахон СИДДИҚОВА

Гулистон МАТЁҚУБОВА

Гавҳар АЛИМОВА

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Маҳмуда САЪДУЛЛАЕВА

Бўлим мудир:

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Мусаҳҳиҳ:

Маъмура ЗОҲИДОВА

Саҳифаловчи:

Ғиёсиддин ҲАРАРОВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани

Мирзакалон Исмоилий Г-1.

E-mail: [info@saodat-gul.uz](mailto:info@saodat-gul.uz)

Веб сайт: [www.saodat-gul.uz](http://www.saodat-gul.uz)

Тел.: (93) 555-45-41, (99) 727-29-65

Босмахонага 15.12.2020 йил топширилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/8.

Ботиқ босма.

Нашр ҳисоб тобоғи 5,75.

Индекс – 867

ISSN 2010-541X. Журнал 2006 йил 22 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0061-рақам билан рўйхатга олинган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Буюртма №1193. Адади 1222.

Баҳоси келишилган нарҳда.

## Ушбу сонда:

### МИЛЛАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

4 Ҳалол меҳнат гашти бирлан

### НАСР

15 Гофир Шермуҳаммад.  
Қўшалок даҳмаза

### МАТОНАТ

20 Менга ишонинг ва имкон беринг

### ЯХШИЛАР ЁДИ

28 Меҳр тўла мунаввар дунём

### ЖАҲОН АДАБИЁТИДАН

22 Альберто Моравиа  
Чақалоқ. Ҳикоя

### СИЗ ОНА БЎЛЯПСИЗ

26 Ҳомиладорликнинг тўртинчи,  
бешинчи, олтинчи ойлари



### Биринчи муқовада:

– Мақсадимиз банк ва мижозларни бир-бирига яқинлаштириш, хизматларимизнинг қулайлиги ва афзаллигини юртдошларимизга тушунтириш, уларнинг ишончини қозониш ҳамда яқин ҳамкорликка чорлаш, – дейди “Ипотека – банк” АТИБ да Ахборот ва банк брендини бошқариш хизмати раҳбар ўринбосари лавозимида бир неча йиллардан буён фидойилик билан фаолият олиб бораётган Лобар Қосимова.

## Азиз мухлисларимиз!



Бутун дунёга, шу жумладан, юртимиз бошига тушган синовли кунлар туфайли журналимизнинг навбатдаги сони ҳам кечикди. Сиздан узр сўраган ҳолда “Саодат”нинг октябрь сонининг тақдим қилмоқдамиз. Бу машаққатли, сабоқли дамларни ҳам, албатта, биргаликда енгиб ўтамиз. Маънавият, маърифат инсоннинг бошига тушган ташвишларни енгиллатиш, унга руҳий қувват бахш этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бугун бир-биримизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ керак эканимизга шубҳа йўқ. Демак, биз Сиз учун меҳнат қилишни давом эттираемиз, Сиз ҳам ўз хонадонингиз, оилангиз, маҳаллангиз билан қадрдон нашрингиздан узоқлашмайсиз, деб ишонамиз!






ИПОТЕКА BANK

*Янги йилнингиз  
билан*



*Ипотека-банк АТИБ жамоаси номидан  
барча юрtdошларимизни Янги 2021-йил  
билан самимий табриклаймиз.*




*Янги йил юртимизга тўқинлик,  
хонадонларимизга қут-барака олиб келсин.  
Оилавий тинчлик, хотиржамлик, бахтли,  
саодатли кунлар ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.*




2021





# “САОДАТ” 95 ЙИЛ



## *Азиз опа-сингиллар!*

Кўп йиллик қадрдонингиз “Саодат” журнали бу йил табаррук 95 ёшга кирди. Юртимизда бўлаётган янгиликлар, элга машхур инсонларнинг кўнгил манзаралари, муаммолари, кечинмалари ҳақидаги қизиқарли материаллар, тарихий, замонавий мавзудаги насрий, назмий асарларни Сизга тақдим қилиб бормоқдамиз ва мавзулар бардавомдир. Саҳифаларимиз жаҳон адабиёти янгиликларидан ҳам сизларни хабардор қилиб боради.

Энг дилбар, дилкаш, жозибали нашр “Саодат” журнали учун обуна давом этмоқда!

